



HURRIYAT

Mustaqil gazeta

2017-yil 20-sentyabr, chorshanba * № 38 (1049) * 1996-yil dekabr dan chiqarib boshlagan * Elektron manzil: info@uzhurriyat.uz * www.hurriyat.uz

НОҚОНУНИЙ САРРОФЛАР ПАЙИ ҚИРҚИЛАДИ

Эркин конвертациянинг жорий этилишидан кўзланган мақсадлардан бири "қора бозор", яъни валюталарни ноқонуний айирбошлаш (сотиш ва сотиб олиш) ҳолатларига барҳам беришдир.

⇒ 2-бет

ҚЎЛ БИЛАН БЕРГАНГА ҚУШ ТЎЙМАС

Мамлакатимизда "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги ва "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонунларнинг қабул қилинганидан, уларга замон талабидан келиб чиқиб, тегишли ўзгаришлар киритилаётганидан мақсад жамиятда, фуқароларнинг турмушида учраётган муаммоларни бартараф этишдир.

⇒ 3-бет

ЙИРТИҚ КИЙИМНИ КИМЛАР КИЯДИ?

Инсоннинг либоси унинг маънавиятини кўрсатиб туради. Кийиниш маданияти ҳақида гап кетганда, одатда, энг аввало, аёллар тилга олинади. Чунки эркакларнинг бу борадаги услуби секин ўзгаради.

⇒ 6-бет

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

14 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев "Мирзо Улуғбек номидаги ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернатини ва "Астрономия ва аэроавиация" боғини ташкил этиш тўғрисида"ги, "Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактабни ташкил этиш тўғрисида"ги қарорларига имзо чекди.

15 сентябрь куни давлатимиз раҳбарининг "Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев тақлифига биноан Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев 16 сентябрь куни давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.

Икки давлат раҳбарлари пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ»да ташкил этилган Қозоғистон миллий маҳсулотлари кўргазмаси билан танишди.

Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Шавкат Мирзиёев ва Нурсултон Назарбоев тор доирада учрашув ўтказди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Президент Гурбангули Бердимухамедовнинг тақлифига биноан 2017 йил 17 сентябрь куни Туркменистонда бўлди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев билан Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг учрашуви бўлиб ўтди.

Шу куни давлатимиз раҳбари Ашхобод шаҳрида ўтказилаётган Ёпиқ иншоотларда ва жанг санъатлари бўйича V Осиё ўйинларининг очилиш маросимида иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 19 сентябрь куни Нью-Йорк шаҳрида БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессияси умумий музокараларида нутқ сўзлади.



"HURRIYAT" gazetasi "Ўзбекистон ҳаво йуллари" миллий авиакомпанияси самолётларида ҳам нуронийларнинг доимий ҳамроҳи.

"ЁШЛАР ПОЕЗДИ" ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНГА КЕЛДИ



М.ХАБИБУЛЛАЕВ ЎзА олган сурат

Ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллиги муносабати билан "Фидоийинг бўлғаймиз сени, Ўзбекистон!" шiori остида ташкил этилган "Ёшлар поезде" Нукус шаҳрига келди.

Меҳмонларни Нукус темир йўл вокзалида кенг жамоатчилик вакиллари кутиб олди. Қорақалпоғистон Республикасининг шаҳар ва қишлоқларида, олис овулларида уч кун давом этадиган тарғибот тадбирларида ёш олимлар, шоир-ёзувчилар, кино ва театр актёрлари, таниқли спортчилар, тадбиркорлар, эстрада хонандалари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаоллари ёшлар билан учрашиб, мулоқотда бўлади.

Тадбирлар Нукус шаҳридаги "Ёшлар маркази"да матбуот анжумани билан бошланди. Унда "Ёшлар поезде" тарғибот акциясини ўтказишдан асосий мақсад мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталикни асраб-авайлаш, ёшларда жамиятимизда рўй бераётган ўзгариш ва янгиликларга, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жараёнларга дахлдорлик туйғусини юксалтириш, уларни турли ёт ғоя ва иллатлардан асраш, йи-

гит-қизларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этишдан иборат экани таъкилланди. Тарғибот тадбирларини таълим муассасалари, маҳаллалар, маданият ва аҳоли дам олиш марказлари, ҳарбий қисмларда ташкил этиш режалаштирилган, дейди Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси О.Дониёров. Акция доирасида Хўжайли туманидаги 1-болалар Мурувват уйда ҳам хайрия тадбири ўтказилди.

"Ёшлар поезде" таркибига келган ёш олим, гил-экскурсовод, фотосуратчи, блогер ва журналистлардан иборат илмий экспедициянинг 25 аъзоси Мўйноқ туманига жўнаб кетди. "Тараққиёт стратегияси" маркази ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу илмий экспедиция аъзолари уч кун давомида Оролбўйи худудига истиқомат қилиб, ҳақиқий ҳолат билан танишади.

А.ОРТИҚБОЕВ, ЎзА мухбири

ДАВР ТАЛАБИ

Мактабда ўқиб юрган кезларимиз болалар нашрини синф раҳбаримиз биринчи соат бошланишидан аввал партаминг устига қўйиб кетарди. Газетанинг кейинги сонини синфдошларимиз билан интиқлик билан кутардик... Талаблик давримизда дарсга боришдан аввал ишни газета дўконларида навбатга туришдан бошлар эдик. Гоҳида уша пайтдаги санокли номдаги газета ёки журнал етмай қолса, ўша кун гўёки бесамар ўтаётгандек туюларди бизга. Кутубхоналардаги "Даврий нашр зали" ҳам ҳамisha гавжум эди. Энг муҳими, газета ва журналларнинг мазмун-савияси анча баланд эди.

БИЗ АЙТМАСАК, КИМ АЙТАДИ?!

Бугун-чи?! Меҳнат фаолиятим тақозосига кўра, ҳар кун республикада чоп этилаётган барча босма оммавий ахборот воситаларини (улар турли соҳа ва муассисликда 1000 дан ортқ номда рўйхатга олинган) муталаа қилишга тўғри келади. Тўғриси айтилган бўлса, газета ва журналларда эълон қилинаётган мақолалар савияси ўтган йиллардагидан анча фарқ қилади. Бу борада, назаримизда, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг виртуал қабулхонаси, у кишининг халқ билан мунтазам учрашувлар ўтказиб келаётганлиги, Олий Мажлис депутатлари ва сенаторлари жойлардаги ислохотлар жараёни билан бевосита танишиб бораётганлиги, республика ва вилоятлар даражасидаги давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ахборот хизматларининг ташкил этилгани ва албатта аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги юксалиб бораётгани катта туртки бўлиб хизмат қилмоқда. Бундан бир йил аввал босма нашрларда санокли танқидий-таҳлилий материаллар чоп этилгани ҳеч кимга сир эмас. Уларнинг аксарияти бозорларнинг санитария ҳолати, ёки йўл қурилишидаги, маҳаллалардаги камчиликлар каби ижтимоий-маиший муаммолардан иборат эди. Бугунги кунда эса журналистлар глобал мавзуларни теран таҳлил қилиб, муаммоларни ҳал қилиш йўлини излаб топилган ёрдам бермоқда. Яъни журналистлар танқиддан "парҳез қилиш"дан воз кечмоқда. Хусусан, партия нашрлари, вилоят газетаси ва журналларидаги мазмунли, таъсирчан мақолалар кўпайиб бораётгани кувонарли ҳол.

⇒ 2-бет

Хуррамли муштарийлар.

2018 йил учун "HURRIYAT" газетасига обуна бошланди. Газетамизга обуна бўлолмаганлар эса уни савдо дўконларидан харид қилишлари мумкин. Ўқинг, баҳра олинг ва уни ҳамроҳларингизга ҳам ҳаёда этинг. Бундан ташқари, "Hurriyat" да чоп этилган материаллар билан www.hurriyat.uz сайти орқали ҳам танишишингиз мумкин.



"HURRIYAT" GAZETASINI SIZNING DOIMIIY HAMROHINGIZ BULISHIGA ISHONAMIZ!



ЭЪЗОЗ-ЭҲТИРОМ ОҒУШИДА

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан жорий йилда 72 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси имтиёзли равишда ҳаж зиёратини амалга ошириб қайтди.

Наманган тумани Хонобод қишлоғида яшовчи 93 ёшли Абдусалом ота Раҳмонов ушбу эҳтиромга сазовор бўлган нуронийлардан. Яратганга шукр, муборак ҳаж ама-

лини бажариш насиб этди, дейди Абдусалом ота. — Зиёрат давомида биз, нуронийлар учун барча қўлайликлар яратилди. Саломатлигимиз муҳофаза остида бўлди. Муборак сафардан эъзоз-эҳтиром билан кутиб олишди. Бу эзгу амалларнинг раҳнамоси бўлган давлатимиз раҳбаридан миннатдоримиз.

Суратда: Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси 93 ёшли Абдусалом ота Раҳмонов набираси билан. Ҳ.МАМАДАЛИЕВ ЎзА олган сурат

БИЗ АЙТМАСАК, КИМ АЙТАДИ?!

Бопланиши 1-бетда

Масалан, “Зарафшон” — Самаркандский вестник” газеталаридаги чоп этилган мақолалар мавзуси, улардаги инфо-да этган аспектилар замон билан ҳамнафас бўлиб келаётганидан дарак беради. “Мулоҳаза учун мавзу”, “Президент таърифидан сўнг...”, “Лойиҳа тасдиқланди. Кейин-чи?”, “Рўзгорини худдалаётганлар”, “Туманларда нима гап?”, “Хат тахрирсиз босилмоқда”, “Сиз нима дейсиз?” каби рунклар остида аёвдорлик мақолаларида вилоят ҳаётидаги соҳаларда мавжуд камчиликлар танқид қилинган. Яқинда ушбу газета томонидан миллий журналистикада сўнгги пайтларда анқонинг уруғига айланган “Фельетон” жанри ҳам “тикланди”. Бундан ташқари, “Дуслик байроғи” — “Знамя дружбы” (Навоий вилояти), “Қашқадар” — “Новости Кашкадары” газеталаридаги мақолаларда мавзуларни талқин этишда профессионалларча ёндашув яққол кўзга ташланади. Ушбу газета алавлари ҳам анчангина. Республика миқёсида тарқатилган “Китоб дунёси” газетаси бундан бир неча йил аввал атиги 500—700 нусхада чоп этилгани аниқ ҳақиқат. Нашр ўз касбининг усталари, моҳир журналистлар ва ташкилотчи муассислар қўлига ўтганидан сўнг кенг адабиёт ва китоб муталааси ихтисомандлари аудиториясини эгаллади, деҳишмиш мумкин. Бугунги кунда ушбу газеталарда чоп этилаётган мақолалар ҳам жамиятимизда олиб борилаётган ислохотлар билан ҳаммаандир. Тахрират халқаро алоқаларни ривожлантиришга жиҳдий эътибор қаратган. Жаҳон адабиётининг етуқ адибларининг миллий ўзбек адабиёти хусусидаги фикр-мулоҳазаларидан иборат мақолалар, дунё адабиёти дурдоналаридан бевосита аслиятдан таржима қилган ҳолда чоп этаётир. Бу ўз навбатида муштарийларни бефарқ қолдирмайпти.

Сўнгги пайтларда баъзи туман газеталари ҳам ўз муассислари (ҳокимликлар) кўмаги билан қўйилган вазибаларни тўлақоли бажаряпти. Жумладан, Сурхондарё вилояти Сароисий тумани ҳокимлигининг бош наشري саналган “Сариосий” газетасида ў ёки бу муаммони ўзида акс этган қатор мақолаларни чоп этди. Нашрининг полиграфик сифати, дизайн ҳам талаб даражасида. Шунингдек, “Ҳазораснома” газетаси туманда яқинда ташкил этилган “Ҳазорасп” эркин иқтисодий зонаси кўзгусига айланди, десак муболаға эмас. Газета муҳаррири Ж.Усмонова туман кенгаши депутати. Унинг мақолаларида давр нафаси уфуриб туради. Муҳаррир республика миқёсида ўтказилаётган семинар, кўрик-танловлар, кўргазмаларда ҳар доим газетаси ҳақидаги буклет, ажойиб

баннер билан ҳозир у нозир. Ҳамиша малакасини оширишга, илгор тажрибаларни газетасида татбиқ этишга интилади. Газеталар туман ёшлари ҳаётига оид мақолаларга алоҳида эътибор қаратилган.

Қизилтепа тумани ҳокимлиги наشري саналган “Қизилтепа тонги” газетасини бир неча йилдирки, матбуот фахрийси Раҳим Мақсудов бошқариб келади. Тиражи 10 минг нусхадан кам эмас. (25 август ҳолатида 11872 нусха). Бу кўрсаткич айрим ресми маълумотларга қараганда, “Сиз нима дейсиз?” каби рунклар остида аёвдорлик мақолаларида вилоят ҳаётидаги соҳаларда мавжуд камчиликлар танқид қилинган. Яқинда ушбу газета томонидан миллий журналистикада сўнгги пайтларда анқонинг уруғига айланган “Фельетон” жанри ҳам “тикланди”. Бундан ташқари, “Дуслик байроғи” — “Знамя дружбы” (Навоий вилояти), “Қашқадар” — “Новости Кашкадары” газеталаридаги мақолаларда мавзуларни талқин этишда профессионалларча ёндашув яққол кўзга ташланади. Ушбу газета алавлари ҳам анчангина. Республика миқёсида тарқатилган “Китоб дунёси” газетаси бундан бир неча йил аввал атиги 500—700 нусхада чоп этилгани аниқ ҳақиқат. Нашр ўз касбининг усталари, моҳир журналистлар ва ташкилотчи муассислар қўлига ўтганидан сўнг кенг адабиёт ва китоб муталааси ихтисомандлари аудиториясини эгаллади, деҳишмиш мумкин. Бугунги кунда ушбу газеталарда чоп этилаётган мақолалар ҳам жамиятимизда олиб борилаётган ислохотлар билан ҳаммаандир. Тахрират халқаро алоқаларни ривожлантиришга жиҳдий эътибор қаратган. Жаҳон адабиётининг етуқ адибларининг миллий ўзбек адабиёти хусусидаги фикр-мулоҳазаларидан иборат мақолалар, дунё адабиёти дурдоналаридан бевосита аслиятдан таржима қилган ҳолда чоп этаётир. Бу ўз навбатида муштарийларни бефарқ қолдирмайпти.

Газета ва журналлар таҳлили сўнгги пайтларда нашрларда тахрир мактаби оқсаётганидан дароҳат беришмоқда. Энг ачирнарсини, имловий хатолар ташайтига, бой ўзбек тилимизга бепанаслик ва масъулиятсизлик билан ёндашиш нашрларнинг билим манбаи эмас, саводсизлик манбаи бўлиб хизмат қилишига сабаб бўлмоқда. Масалан, Халқ таълими вазирилик, Қори Ниёзий номлидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти муассислигидаги “Uzluksiz ta’lim” илмий-услубий журналнинг 2016 йил 6-сон, 2017 йил 1, 2, 3-сонлари таҳлил қилинганда нашр саҳифаларида қонунбузилиш ҳолатлари мавжудлиги аниқланди. Нашр саҳифаларида бир қатор факт ва исмлар нотўғри талқин қилинган. Масалан, 2016 йил 6-сон 12-бетда ўрта аср шоираси Робия Балхий “Робат Балхий” деб берилган, 2017 йил 3-сон 62-бетда эса “Ғафур Ғуллом номлидаги нашриёт-матбаа иж-

дий уйи ўрнида “Ғуллом номлидаги нашриёт матбаа уйи” деб нотўғри ёзилган. Мазкур журналнинг 3-саҳифасида “Мақолаларда келтирилган маълумотларнинг тўричилигига муаллифлар жавобгардир” мазмундаги эслатма мавжуд. Ҳолбуки, Ўзбекистон Республикаси “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги қонуннинг 5-моддасида “Оммавий ахборот воситалари қонун ҳужжатлари га биноан ахборотни излаш, олиш, тарқатиш ҳуқуқига эга ҳамда тарқатилган ахборотнинг ҳолислиги ва ишончилиги учун белгиланган тартибда жавобгар бўлади” дейилган. Яъни нашр — тахрират мазкур талабга риоя қилмаган.

Журнал муаллифлари асосан профессор-ўқитувчилардан, профессионал мутахассислар-



Афсуски марказий газеталаримизнинг вилоят мухбирлари томонидан юборилаётган мақола ва хабарлар шаблондан бошқа нарса эмас. Улар ўз вилоятларидаги ижтимоий-иқтисодий ахволни мақташдан нарига ўтмайди. Қани энди, марказий нашрларимизнинг вилоятларидаги махсус мухбирлари ҳам жойлардаги муаммоларни чуқур ўрганиб, илгор тажриба ва камчиликларнинг илдизини аниқлаб таҳлилий мақолалар ёзсалар мақсадга мувофиқ бўларди.

дан иборат. Нашр таълим тизимидаги мутахассислар учун илмий-услубий қўлланма сифатида рўйхатга олинган. Қолаверса, ҳар бир нашр саводхонлик манбаи бўлиб хизмат қилиши зарур. Аммо журналнинг ҳар бир сонидан кўплаб имло ва услубий хатоларга йўл қўйилганлиги нима дейсиз? Жумладан, журналнинг 2016 йил 6-сонининг 12-саҳифасида машҳур шоираси Зебунисо” иси “Зебунисо”, “адабиёт ва санъат нашриёти” шаклида, форсча “нашуд” сўзи “нашуд”, “Ин жост” (“шу ердур”) “Келмади” деб нотўғри талқин этилган. Мазкур соннинг 61-саҳифасида “академик лицей” ибораси “академик дечей”, 2017 йил 1-сон 49-бетда Абу Наср Форобий “Фаробий”, (айнан ушбу соннинг 76-бетда “Абу Наср Форобий”), шаклида, 2-соннинг (96-бетда) “тадқиқ” сўзи “тадқиқ” шаклида, 102-бетда фойдаланилган алабиётни кўрсатилаётган асарнинг номини “Barkamol avlod

— Uzbekiston taravdiyotining ro'ydevori” шаклида нотўғри талқин этилган. Журналнинг ушбу сонининг 26-бетига Республика Президентининг ўқитувчи ва мураббийларга йўллаган табриги “Ўзбекистон ўқитувчи мураббийларига табриги”, 106-бетда “муаммо” сўзи “муаммо” тарзида хато ёзилган. Журналнинг 3-сон 7-саҳифасида фойдаланилган китоб муаллифи 7-бетда “Ф Д Финароу” шаклида, 23-бетда “Ўқувчилар” — “Ўзувчилар”, 58-бетда “суистезьмол” — “суистезьмол”, 59-бетда “азбарои” — “азборойи”, 66-бетда “гурух” — “гурук”, “муқаллас” — “муқаллас” шаклида берилган. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Журналдаги материалларни таҳлил қилган жараёнда ўзбек тилига умуман беғона бўлган, мантқиққа зид иборалар қўлланилгани аниқланди: 2016 йил 6-сон 10-бетда “соф” ишқий муҳаббат”, 2017 йил 1-сонининг 76-бетда “Ақлий тафаккур”, 3-сонда (36-бет) “самарали фаолият” ўрнига, “маҳсулдор фаолият”, “қум тўласи ва ҳоказо. Шунингдек, журнал мақолаларида аксар ҳолатларда “Х” ва “Х” ҳарфлари нотўғри қўлланилган. Журналда ташкилланганидек, “ҳар қандай одамнинг

адабий тил нормасини қай даражада эгаллагани унинг умумий маънавий савияси билан белгиланади” (3-сон, 23-бет). Юқорида кўрсатилган хатолар журнал фаолияти мақоладаги ушбу тамойилга мутолақа зид эканлигини яққол кўрсатиб туради. Ўзбекистон Республикаси “Давлат тили ҳақида”ги қонун 7-моддасида, давлат тили расмий амал қилинадиган доираларда ўзбек адабий тилининг илмий қондалари ва нормалари риоя этилади, дейилган. “Аъло кайфият” журналнинг 2017 йил 7-сонининг 75-саҳифасида Афғонистонда хизмат қилган рус аскарлари билан қўйилган хато жумладан келтирилган: “Эй папан, бут остоғрожий, от вас женишна аванка растрепели!”. 77-бетда “Папан, это дело дороге обойбитта”. 78-бетда “Папан, спеши, а то опоздаеш!”. Шундай муносабатни “ЧАСТНЫЙ СЕКТОР”да ҳам кўрамади. Ушбу реклама газетасининг деярли ҳар бир сонидан ўзбек тилидаги эълон ва рекламаларда давлат тили

Бундай хатоларни бошқа нашрларда ҳам кузатиб, 30-35 йил оддин газеталарда ўрнатилган иш тартиби ёлғизлик келди. Яъни, олий ўқув юртини аёло баҳолар билан тугатиб тахриратга келган ёш кадр аввал мусахҳиҳ ёрдамчиси (подчтик), бир муддатдан сўнг мусахҳиҳликка ишга қабул қилинади. Бўлим мухбири (муҳаррири) лавозимига ўтиш учун камда 2-3 йил тер ўқиладди. Бугун эса, айрим ёшларнинг меҳнат дафтарчасида биринчи қайд “бош муҳаррир”ликдан бошланган. Тажриба, “устоз-шоғирд” ва тахрир мактаби улғу мураббий эканлиги гоҳида ёлдан чиқанга ўхшайди. Матбуот тили қадимий ва бой ўзбек тилининг эталони, намунаси бўлиши даркор. Зеро, тил бу — миллиятнинг руҳидир. У қанча тоза бўлса, фикр ҳам тиниқ бўлади.

Шоҳахор САЛИМОВ, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги масъул ходими

ҳақидаги қонун қўпол равишда бузилиб, чоп этилгани аниқланди. Гўёки, ўзбек тилида янги атамалар жорий этилгандек. Масалан, газетанинг 2017 йил 3, 24, 31 август (№ 31, 34, 35) сонларининг 12-, 13-саҳифаларида айрим рекламалар қўйилган мазмунда берилган: “Гўштни қайта ишлаш чехига: технолог-қийма тайерловчи, богоевич, пишироччи, ишлаб-чиқариш менеждери, обвалчик, хисобчи ердэмчиси ва оддий ишчилар. Факат шу соҳа вакиллариға. Зағиота тумани хокимияти, Келес даҳаси, “Саҳоват тўйхонаси”. Ёки “Пай-пук чехига 18 дан 30 етгача булаг иштга ва кизларни иштга тақлиф қиламиш. Муажал — Зағиота тумани, “Ором” кафе-фисси рупарасида”. Бундай мисолларни газетанинг деярли ҳар бир сонидан келтириш мумкин. Тилга бепанасанд муносабатда бўлиш оқибатида бир қатор ўзбек иборалари қўпол тарзда газеталарда (айни вақтда реклама истеъмолчилари) эътиборига ҳавола этилган: “Хужалик ишлари бўлим бошлиги”, “аёл ва кизларни тикув корхонасига ишга қабул қиламиш”, “Аёллар ва кизларга қушимча даромадли иш”, “Муажал-Кужка Оклон, ойлик-800 000 сумдан”, “Гузалик салони”, “етокхона”, “туй либослари”, “ишлаб чиқариш”, “қурилиш моллари”, “тажрибаси 3 йилдан юқори”, “медик ва ўқитувчилар”, “Қушимча даромад”, “бошқа ишчилар”, “киме”, “адабиёт”, “ердамчилар”, фермер хужалиги”, “дахча” ва ҳоказо. Шунингдек, айрим реклама матнларида Ташкент шаҳрининг топонимикаси ҳам нотўғри келтирилган: “Думбиро-бол”, “Кужка”, “Оклон”, “Куйлик”, “Уртачирчик”, “Кужкур-гон” маҳалласи, “Гитхукпурик” маҳалласи, “Коракамини” ва ҳоказо. Бундай мисолларни кўп келтириш мумкин.

Бундай хатоларни бошқа нашрларда ҳам кузатиб, 30-35 йил оддин газеталарда ўрнатилган иш тартиби ёлғизлик келди. Яъни, олий ўқув юртини аёло баҳолар билан тугатиб тахриратга келган ёш кадр аввал мусахҳиҳ ёрдамчиси (подчтик), бир муддатдан сўнг мусахҳиҳликка ишга қабул қилинади. Бўлим мухбири (муҳаррири) лавозимига ўтиш учун камда 2-3 йил тер ўқиладди. Бугун эса, айрим ёшларнинг меҳнат дафтарчасида биринчи қайд “бош муҳаррир”ликдан бошланган. Тажриба, “устоз-шоғирд” ва тахрир мактаби улғу мураббий эканлиги гоҳида ёлдан чиқанга ўхшайди. Матбуот тили қадимий ва бой ўзбек тилининг эталони, намунаси бўлиши даркор. Зеро, тил бу — миллиятнинг руҳидир. У қанча тоза бўлса, фикр ҳам тиниқ бўлади.

Бундай хатоларни бошқа нашрларда ҳам кузатиб, 30-35 йил оддин газеталарда ўрнатилган иш тартиби ёлғизлик келди. Яъни, олий ўқув юртини аёло баҳолар билан тугатиб тахриратга келган ёш кадр аввал мусахҳиҳ ёрдамчиси (подчтик), бир муддатдан сўнг мусахҳиҳликка ишга қабул қилинади. Бўлим мухбири (муҳаррири) лавозимига ўтиш учун камда 2-3 йил тер ўқиладди. Бугун эса, айрим ёшларнинг меҳнат дафтарчасида биринчи қайд “бош муҳаррир”ликдан бошланган. Тажриба, “устоз-шоғирд” ва тахрир мактаби улғу мураббий эканлиги гоҳида ёлдан чиқанга ўхшайди. Матбуот тили қадимий ва бой ўзбек тилининг эталони, намунаси бўлиши даркор. Зеро, тил бу — миллиятнинг руҳидир. У қанча тоза бўлса, фикр ҳам тиниқ бўлади.

Шоҳахор САЛИМОВ, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги масъул ходими

► ПУЛ-ВАЛЮТА СИЁСАТИ

Бундан атиги бир ойлар аввал ҳам одамлар орасида “бизда эркин конвертация бўлармикан ўзи ёки...”, “конвертация очилгани билан доллар ўн минг сўмга чиқиб кетармиш” деган ҳар хил гап-сўзларни эшитиш мумкин эди.

Ҳар қандай соҳада шундай: масъул идора ва ташкилотлар расмий маълумот бермас экан, одамлар тахмину гумонларга берилaveraди.

НОҚОНУНИЙ САРРОФЛАР ПАЙИ ҚИРҚИЛАДИ

2017 йил 5 сентябрдан Республикаимиз бўйлаб эркин конвертация амалиёти жорий этилди ва юртдошларимиз тижорат банкларида хориж валюталарини эркин сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлди.

Аҳолини қийнаётган битта муаммо ечимини топиб, бирок пул-валюта масалалари юзасидан одамларда ҳалли саррофлар етарли.

Яқинда пойтахтимизда ўтказилган матбуот анжуманида иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раҳбарларининг ўзлари бундан охиқ эътироф этишди.

— Ушбу анжумани Президентимизнинг шу йил 2 сентябрда имзоланган “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонининг ижроси юзасидан уштирдик, — деди Марказий банк раисининг биринчи ўринбосари Темур Ишметов. — Хабарингиз бор, 5 сентябрдан бошлаб фуқароларимиз тижорат банкларида давлат курси бўйича ўзлари хоҳлаган миқдорда хориж валюталарини харид қилиш имконига эга бўлди. Утган бир ҳафта ичида (5 — 12 сентябрь кунлари назарда тутилган) юртдошларимиз 200 миллион АҚШ доллари миқдориди маблағни сўмга алмаштирган бўлса, 100 миллион доллар банклар томонидан фуқароларимизга сотилди. Кейинги пайтда юртдошларимиз доллар курси яна мунтазам олиб боради, дея сўрашмоқда. Биласизми, валюта нархини олинган башорат қилиш қийин. Бу кўп омиларга, жумладан, иқтисодиётдаги пул миқдори ўзгаришларига боғлиқ. Дейлик, четдан валюта маблағлари қанча кўп кириб келса, унинг нархи пасайиб бораверади. Шунингдек, экспорт ҳажмининг ошиши ҳам юртимизда доллар курсининг тушишига олиб келади.

Доллар сотиб олишда чекловлар бўладими? Бу саволга жавобан Темур Ишметов ҳеч қандай чеклов йўқлигини, фуқаролар ўзлари истаган маблағни айирбоқлаши мумкинлигини маълум қилди.

Эркин конвертациянинг жорий этилишидан қўзланган мақсадлардан бири “қора бозор”, яъни валюталарни ноқонуний айирбоқлаш (сотиб ва сотиб олиш) ҳолатларига барҳам беришдир. Кейинги кунлардаги кузатишларимизга шуни кўрсатдики, юртдошларимиз қўллариди хориж валюталарини борган сари кўча саррофлари (“қора бозор”чилар)га эмас, тижорат банкларининг валюталарини айирбоқлаш шохобчаларига сотиб ва зарур бўлганда уларни ўша ердан харид қилишга интилишмоқда. Эътибор берган бўлсангиз, пойтахт бозорларида “Тилла, доллар оламиз”, дея ҳуқуқ посбонларини ҳам назар-писанд қилмай охиқ-ойдин “фаолият” юритган валютатурушларнинг овози сал бўлса-да, пасайиб қолгандек. Аммо уларнинг товуши бутунлай ўчган, деб бўлмайди. Худди суваракка қарши дори сепилганда, уларнинг кўпи қирилиб кетса-да, барибир қарши тешиқлардан битта-иккитаси чалажон ҳолда гандирақлаб чиқиб келгандек, яқкам-дуккам “ишини давом эттираётган” саррофлар учраб турибди.

Марказий Банк монетар сиёсат департаменти директори Илҳом Норқулловнинг айтишича, “қора бозор”га қарши Марказий банк қўраётган чора-тадбирлар, давлатимизнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан амалга оширилган ишлардан ташқари, фуқароларнинг кўмаги ҳам қатта аҳамият касб этади.

Уларнинг кўча-қўйдан эмас, банклардан доллар харид қилишлари ва чет эл валюталарини банкларга сотишларини таъминлаш, бунинг учун уларнинг ишончилигини янада мустаҳкамлаш учун тизимда мунтазам иш олиб боришмоқда. Марказий банк масъулларининг айтишича, банкларда нақд пул етишмовчилиги ҳақидаги ҳар қандай гап-сўз асоссиз.

Яна бир масала. Мамлакатимизда кўп хизматлар ва товарлар нархи АҚШ долларига боғланган ёки шунга боғлиқ ҳолда кўрсатилади. Масалан, мобил хизматларнинг олайлик. Ҳисобингизда қанча пул борлигини билиш учун сўров юборсангиз, компаниядан сизга фалон доллару фалон сент пунгиз қолгани ҳақида хабар келади. Қизиқ, нега фалон сўм эмас, доллар? Сиз мижози бўлган компания Ўзбекистон Республикасида фаолият юритганими ёки чет элда? Албатта, Ўзбекистонда.

— Юртимизда фаолият олиб борадиган мобил операторлар ўз хизматлари нархини хорижий валютага белгилашларига аслида ҳеч қандай асос бўлмаган, — деди Т.Ишметов. — Шу боис улар хизмат ҳақларини эски курс бўйича ҳисоблашда давом этади. Ҳозир берилган саволдаги (ҳамкасбаримиз доллар курси ошади, айрим хизмат ва товарлар нархи деярли икки баравар қимматлашгани ҳақида савол беришди) баъзи товарларнинг нархини ошганга сабаб, улар асосан, импорт қилинади. Яқинда Ҳукуматимиз томонидан айрим товарларни импорт қилишга божжона тўловларда имтиёз яратиш ёки бу тўловлардан бутунлай озод қилиш ҳақида қарор тайёрланмоқда. Насиб этса, бу қарор қабул қилинган, уларнинг нархлари ҳам ўз-ўзидан пасаяди.

Ҳа, бугун пул-валюта сиёсатини либераллаштириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар замирида фуқаролар манфаати ётгани шубҳасиз. Мана шу хайри ислохотлар жараёнида айрим камчиликлар ҳам кузатилаётгани бор гап.

— Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги қонунни янги тахрирда ишлаб чиқиш вазифасини қўйди, — деди Темур Ишметов. — Бу вазифани бажариш учун бизга бир йил вақт берилади. Бу муддат ичида шу кунгача қилинган барча ишларни таҳлил қиламиш. Қаерда қандай камчиликка йўл қўйилди, нимани ислохот этиш керак, қандай ўзгаришларни амалга ошириш зарур, деган саволларга жавоб топамиш. Ва мана шу таҳлил асосида қонунни янги тахрирда ишлаб чиқажимиз. Насиб этса, буларнинг барчаси халқимиз турмуш қаражасининг яна ҳам юксалишига хизмат қилади.

Фуқаролар қийнаётган ишларда ўз манфаатини кўрмас экан, керак бўлса, уларда бевосита иштирок этмас экан, ислохотларнинг оддий халқ учун қиймати бўлмайди. Марказий банк мутасаддилари соҳада амалга оширилган ислохотлар, юз бераётган воқеа-ҳодисалар, ўзгаришлар юзасидан журналистлар билан мунтазам учрашувлар уюштириб, халқимизни муҳим янгилıklarдан хабардор қилиб боришга сўз беришди.

Элмурод НИШОНОВ, “Hurriyat” мухбири

АНИҚ ХУДУД, МУДДАТ ВА ШАХСГА ҚАРАТИЛГАН ЭЪТИБОР

► ПАТРОНАЖ ХИЗМАТИ

18 сентябрь куни пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги “Тиббий патронаж: аниқ ҳудуд, аниқ муддат ва аниқ шахсга қаратилган хизмат” мавзусида матбуот анжумани ўтказди. Унда вазирлик мутасаддилари, бошқарма бошлиқлари, ихтисослаштирилган ва илмий-амалий тиббиёт марказлари вакиллари иштирок этди.

Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Элимира Боситхоннова тиббий патронаж хизмати тўғрисида батафсил маълумот берди. Унинг айтишича, аҳолига, хусусан, қариялар, ҳомиладор ва ёш болали аёллар, имконияти чекланган шахслар ва эҳтижман оила-ларга уй шароитида ҳар ойда хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди. Тиббий патронаж хизмати таркибига умумий даволувчи шифокор, патронаж ҳамширалар кириди. Маҳаллаларга патронаж ҳамширалар бориб, ҳар бир оила аъзолари билан танишиб чиқади. Уй шароитини кўрадилар ва сани-

тар-гиғиеник ҳолатларни ўрганадилар.

Уй бекалари ёз ва куз мавсумида мевалар ва полиз маҳсулотларини қўлбола консервалар ишлашди. Афсуски, уй шароитида тайёрланган бундай маҳсулотларнинг барчаси ҳам тиббий нуқтан назардан талабга жавоб бермаслиги мумкин. Оқибатда, уларни истеъмол қилган оила-ларда кишиларнинг заҳарланиш ҳолатлари тез-тез узрайди.

Анжуманда мутахассислар бу борада жойларда тушунтириш ишлари олиб борилишини таъкидладилар.

Мазкур саъй-ҳаракатлар дав-



латимиз раҳбарининг 2017 йил 29 мартдаги “Ўзбекистон Республикасида бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятини ташкил этишнинг янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида амалга оширилаётир. Қарорда бирламчи тиббиёт муассасалари жойлашувини оқилона ташкил этиш, уларда кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини ошириш, патронаж тизимини

сифат жиҳатдан тубдан яхши-лаш, мамлакатда унинг ҳар бири ҳудуди ва аҳоли яшаш пунктларида касалланиш даражасини пасайтириш, профилактика ишларини янада яхши-лаш кўзда тутилган. Хуж-жат ижроси доирасида 793 та қишлоқ врачлик пункти негиз-ида қишлоқ оилавий поликлиникалари, 441 та тез тиббий ёрдам шохобчаси ташкил этилди. Қишлоқ врачлик пунктлари оилавий ва кўп тар-

моқли поликлиникаларда хизмат кўрсатиш вақтининг етар-талаб соат саккиздан кеч соат саккизгача узайтирилгани аҳолининг бирламчи тиббий-санитария ёрдамидан фойдаланиш имкониятини кенгайтир-моқда. Шунингдек, ушбу ташкил-латилган ишларнинг натижаси-ни таъкидлаб ўтиш керак. Шунингдек, ушбу муассасалар замонавий тиббиёт ускуна-лари — УТГ, ЭКГ ва бошқа тек-ширув аппаратлари билан жи-ҳозланмоқда. Қишлоқ оила-вий поликлиникаларида умумий амалиёт шифокори ва урта тиббиёт ходимларидан ташқари, жарроҳ, педиатр, акушер-гинеколог, стомато-лог, ултраовуш текшируви мутахассиси фаолияти йўлга қўйилган.

Анжуманда мутахассислар ижтимоий тармоқлар орқали юборилаётган ва журналист-ларни қизиқтирган саволларга жавоб беришди.

Хумойра ИСМОИЛОВА, ЎЗМУ талабаси

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги жамоат фонди



“Жамиятда миллатлараро ва фуқаролараро тотувлик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва дўстлик муҳитини сақлашга ва мустаҳкамлашга қаратилган лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш” мавзусида давлат грантлари ажратиш учун танлов ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловга нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг қуйидаги ижтимоий аҳамиятга моллик мақсадларни назарда тутувчи лойиҳа буюртманомалари қабул қилинади:

1. Ёшларга ўзбек халқининг маънавий бойликлариغا ҳурмат билан қарашни, халқимиз анъаналари ва урф-одатларини, бебаҳо тарихий меросини сақлаш ва ривожлантириш туйғусини сингдириш.
2. Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган диний конфессиялар, юртимизда яшаётган миллатлар ва эллар ўртасида тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасида Ўзбекистон таърихияси тарғиб қилиш ҳамда оммалаштиришга бағишланган радиоэшиттиришлар ва телекўрсатувлар тайёрлаш.
3. Республикада дўстлик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашни тарғиб этиш, барча фуқароларга уларнинг миллати, дини ва этникадан қатъий назар, тенг ҳуқуқлар ва имкониятлар яратиш.
4. Турли миллатлар вакиллари орасида адоват ва нифоқ келтириб чиқарилган экстремистик ҳамда радикал гоя ва мафқуралар тарқалишининг олдини олиш бўйича амалий чоралар кўриш.
5. Интернет тармоғида чет тилларда Ўзбекистон халқларининг бой маданий-тарихий меросини ёритиб берувчи ўзинга хос ресурслар яратиш.
6. Ўзбекистоннинг тарихи, маданияти ва санъати, буюк шахслари, мустақиллик йилларида жамият ҳаётининг турли соҳаларида республикада эришилган ютуқлар тўғрисидаги ахборотни чет тилларда тайёрлаш ва интернет тармоғига жойлаштириш.
7. Мамлакатимиз маданияти, санъати, адабиётининг ёрқин намуналари, Ўзбекистондаги мезморий ва тарихий ёдгорликлар, ЮНЕСКО Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган объектлар тўғрисидаги ахборотларни хорижий аудиторияга етказиш.
8. Хорижийлар орасида Ўзбекистон халқларининг тарихи ва маданиятини оммалаштиришга қаратилган турли танловлар ташкил этиш ва ўтказиш, уларда Ўзбекистон халқларининг тарихий-маданий меросига, жамиятда миллатлараро ва фуқаролараро тотувлик, ҳамжиҳатлик ҳамда дўстлик муҳитини мустаҳкамлаш борасидаги таърихияси қизиқтириш уйғотиш.
9. Ўзбекистонда яшаб келаётган турли миллат ва халқларнинг ўзинга хос миллий анъаналарини, урф-одатларини ва удумларини сақлаш ва ривожлантириш, жамиятда миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш борасида Ўзбекистонда амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида халққаро ҳамжамиятни баҳардор этиш.
10. Ўзбекистоннинг ташқи ва ички сиёсатининг асосий жиҳатларини, амалга оширилаётган сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг натижаларини акс эттирувчи ҳолис ва ишончли ахборотларни инглиз

- ҳамда бошқа хорижий тилларда тарқатиш мақсадида интернет тармоғида махсус сайтлар ишлаб чиқиш ва яратиш.
 11. Мустақил оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистон халқларининг анъаналари ва маданиятига бағишланган мақолалар, ҳикоялар, очерклар ва бошқа босма материаллар чоп этиш, ҳужжатли, тарихий ва маърифий фильмлар, телекўрсатувлар, радиоэшиттиришлар тайёрлаш ва эфирга узатиш.
 12. Мустақиллик йилларида жамият ҳаётининг турли соҳаларида тинчлик ва барқарорликни сақлаш борасида кўрилган изчил чора-тадбирларнинг натижаларини тарғиб этиш.
- Давлат гранти ажратилиши учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш зарур:
1. Ташкилот раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган қузатув хати.
 2. www.fundngo.uz веб-сайтига жойлаштирилган шаклда тўлдирилган давлат гранти учун ариза.
 3. Охириги ўзгартиш ва қўшимчалар билан давлат рўйхатидан ўтган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг Уставы (Низомы) нусхаси.
 4. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси.
 5. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланган фаолиятни талаб қилса, унда лицензиянинг нусхаси тақдим этилади.
 - 6, 3, 4 ва 5-бандларда кўрсатилган ҳужжатлар раҳбар имзоси ва ташкилот муҳри билан тасдиқланган бўлиши шарт.
 7. Манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тавсия хатлари, илтимосномалари илова қилиниши мумкин.
- Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори — 25 миллион сўмгача.
- Ҳужжатлар 2017 йил 12 сентябрдан 12 октябргача қабул қилинади.
- Ҳужжатлар “Ўзбекистон почтаси” орқали Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди номига юбориладиган муҳрланган конвертларда (А4 форматда) қуйидаги бўйича қабул қилинади: 100163, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 43-уй.
- Ҳужжатларни тақдим этиш шартлари ва намуналари билан Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий веб-сайтида танишиш мумкин.
- Маълумот учун телефонлар: (0-371) 239-26-76, 239-26-64.

“Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишда фуқаролар эркинликларини, қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлашда ижтимоий шерикликдаги лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш” мавзусида давлат грантлари ажратиш учун қўшимча танлов ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловга нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг қуйидаги мақсадларни назарда тутган ижтимоий аҳамиятга моллик лойиҳа буюртманомалари қабул қилинади:

1. “Мустақиллик, энг аввало, ҳуқуқдир”, “Адолат — қонуни устуворлигида”, “Аҳоли муурожаатлари — доимий эътиборда” широрлари остида қонуни ҳужжатларининг ижроси устидан жамоатчилик назоратининг самарали механизмларини ўрнатиш.
2. Давлат органларида муурожаатлар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш.
3. “Давлат органлари халқ хизматида” широри остида жамиятда ҳуқуқий маданиятни ва аҳолининг ҳуқуқий онгини юксалтиришга, қонунга ҳурмат, ҳуқуқбузарликларга муросасизлик туйғусини кучайтиришга қўмаклашиш.
4. Ҳаракатлар стратегиясининг аниқ натижаларини ҳамда либераллаштириш жараёнини кенг ёритишга қаратилган материалларни тайёрлаш ва чоп этиш.
5. Ёшлар ва аёлларнинг, ногирон ҳамда кекса ёшдаги шахсларнинг долзарб муаммоларини ҳал қилишга қаратилган қўшма режаларни ва дастурларни амалга ошириш.
6. Жамиятда ижтимоий хизматлар кўрсатиш қўламини кенгайтириш, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда маҳаллалар ободлигини таъминлаш.
7. Қишлоқ туманларида янги иш ўринларини ташкил этишда, ижтимоий ва маиший инфратузилмани яратишда, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини юксалтиришда фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш.
8. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оила институтини мустаҳкамлаш, соғлом ва барқамол авлодни тарбиялашга қўмаклашувчи комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, ногирон болалар дунёга келишининг олдини олишни кучайтириш.
9. Кафолатланган тиббий хизмат кўрсатиш устидан жамоатчилик назоратининг самарали механизмини ва инновацион усулларини жорий этиш.
10. Соғлиқни сақлаш муассасаларида жамоатчилик назоратини шакллантириш, замонавий техника ва технологиялардан фойдаланган ҳолда уларнинг фаолияти сифатини тубдан яхшилашга қўмаклашиш.
11. Оилада соғлом муҳитни юксалтириш, аждоқларимиз маънавий-ахлоқий меросини тарғиб қилиш, эрта ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олиш, қайнона ва келин муносабатларини мустаҳкамлаш.

12. Салбий ҳулқ-атворга мойил бўлган ёшлар ва аёлларнинг маънавий-ахлоқий профилактикасини ҳамда жамиятга мослашсини кучайтиришда ННТ, ўзини ўзи бошқариш органлари, таълим ва тиббиёт муассасаларининг ижтимоий шериклигини юксалтириш.
- Давлат гранти ажратилиши учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш зарур:
1. Ташкилот раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган қузатув хати.
 2. www.fundngo.uz веб-сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган давлат гранти лойиҳаси учун ариза.
 3. Охириги ўзгартиш ва қўшимчалар билан давлат рўйхатидан ўтган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг Уставы (Низомы) нусхаси.
 4. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси.
 5. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланган фаолиятни талаб қилса, унда лицензиянинг нусхаси тақдим этилади.
 - 6, 3, 4 ва 5-бандларда кўрсатилган ҳужжатлар раҳбар имзоси ва ташкилот муҳри билан тасдиқланган бўлиши шарт.
 7. Манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг илтимосномалари, тавсия хатлари илова қилиниши мумкин.
- Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори — 25 миллион сўмгача.
- Ҳужжатлар 2017 йил 12 сентябрдан 12 октябргача қабул қилинади.
- Ҳужжатлар “Ўзбекистон почтаси” орқали Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди номига юбориладиган муҳрланган конвертларда (А4 форматда) қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: 100163, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 43-уй.
- Ҳужжатларни тақдим этиш шартлари ва намуналари билан Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий веб-сайтида танишиш мумкин.
- Маълумот учун телефонлар: (0-371) 239-26-76, 239-26-64.

МУРОЖААТЛАРГА МУНОСАБАТ

Мамлакатимизда “Фуқароларнинг муурожаатлари тўғрисида”ги ва “Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида”ги қонунларнинг қабул қилинганидан, уларга замон талабидан келиб чиқиб, тегишли ўзгаришлар киритилаётганидан мақсад жамиятда, фуқароларнинг турмушида учраётган муаммоларни бартараф этишдир. Жойларда, чекка туман ва ҳудудларда ташкил этилиб, халқ дардига малҳам бўлаётган, оқ ва қора ўртасида адолат мезонини ўрнатаётган Халқ қабулхоналари, сансалорликка чек қўйиб, очиқ ва ошқоралик тамойиллари асосида фаолият юритишни мақсад қилган давлат бошқарув органлари расмий веб-сайтларидаги виртуал қабулхоналар ҳам юрт равақи, халқ фаровонлиги йўлида асосий тиргак бўляпти, десак асло янгиловмаймиз.

Бироқ одамзодни буткул рози қилиш имконсиз, деганларидек, яратилаётган шунча шароитларга қарамай, орамизда боқимандлик кайфиятида яшаётганлар, ҳаётдан нолиб, “фақат бер-бер”ни касб қилиб олганлар, афсуски, учраб турибди.

Яқинда бекатда болалари билан тунаб юрган аёл воқеаси интернет тармоқларида шов-шувга, кенг жамоатчилик орасида кизгин муҳокамага сабаб бўлди. Айримлар билди-билмай уларга ачинган бўлса, бошқалар жамоатчиликни этиборсизликда айблади.

Ушанда кимдир аёлни шу аҳволга ташлаб қўйган нотовон ердан ҳазар қилган бўлса, яна кимдир уларга бепарво мутасаддилар юзига лой чаплади. Бошқалар эса “қўчада қолганлар”га раҳм-шафқат ва моддий ёрдам сўраб, ижтимоий тармоқларда турли ташаббуслар билан чиқийди.

Очиғи, бу баҳс атрофидагилар каби аҳвол мени ташвишга солмади. Гапимдан ҳайрон бўлмаган, қаҳри қаттиқликда айблагша ҳам шовилманган. Чунки мазкур шов-шувлардан икки ҳафтача олдин ўша аёл ёнида бир ҳамроҳ билан тахриратимизга арз ҳам қилиб келганди. “Болаларим билан қўчада қолдим, туналари мафсазорда тунаямиз” дея кўзда ёши билан келган “ожиза”ларга биз ҳам бошқалар сингари роса ачингандик ўшанда, қўлдан келганча ёрдам беришга ҳаракат қилинди. Масалага ҳолисона ёндашиш, журналистик суриштирувни ҳар томонлама амалга ошириб, ҳулоса чиқаришлардан сўнг фикримиз ўзгарди. Муаммо биргина мутасаддиларга боғлиқ эмаслиги анча аёнлашди.

Хуллас, қаҳрамонимиз интернет орқали танилган аёл эмас, аксинча, унинг ҳамроҳи — Наима (исми ўзгартрилган). Асли қашқадарёлик бўлса-да, ҳозирги кунда сирдарёлик бир она-боланида яшаркан. Сўзларига қараганда, беш ёшида онадан етким қолган. Угай она эса кўп савдоларни бошига солган. Шу сабабдан эрта турмуш қуришга розилик билдирган. Бироқ янги ҳаёт ҳам ўйлагандек кечмай, қайнона ва келин ўртасидаги можаро узок давом этган. Бу орала уч ўғилли бўлган Наима неки қийинчилик бўлса, барига чидаган. Бироқ нуқул “кет”ни қўймай, ўғлини бошқасига уй-

лантиришини бот-бот таъкидловчи қайнона алақоқибат 2014 йил декабрь ойида келини ва невараларини уйдан қайдаган. Шундан сўнг Наима болалари билан отасининг икки хонали уйида яшай бошлади. Ёгингарчилик мавсумида хона тоmidан чакка ўтавергани боис ижара уйга чиқди.

Ҳали унинг, ҳали бунинг юмушини бажарса-да, эри болалари учун ҳар ой алимент пулини тўласа-да, топгани ва олгани фарзандларини боқишу, ижара пулига етмай қолади. Моддий томондан қийналган аёл кўмак сўраб, мутасадди ташкилотларга қайта-қайта муурожаат қила бошлади. Аёлнинг айтишича, маҳаллага ва бошқа давлат органларига нафақа пули тайинланганини сўраб қилган муурожаатидан ҳеч қандай натижа бўлмаган. Ваҳоланки, қўлидаги бир даста хат билан бир-бир танишгач, Наима керакли барча ҳужжатларни тақдим этмагани боис нафақа тайинланганини билиб олди. “Иш сўраб борсам, иш ҳам беришмади” деди.

Муурожаатининг сўлғин чехраси, тушқун кайфияти руҳиятимизга кўчиб улгурганди. Агар бари Наима айтганидек бўлса, биз унга ёрдам беришимиз ҳам қарз, ҳам фарз эди. Шу ўйда тегишли ташкилотлар рақамларини топиб, улар билан боғлана бошладик. Туман Хотин-қизлар кўмитасидан аёл шариоти ҳақида сўраганимизда, улар бундан хабардорлигини, Наима ва болаларига айна кунда турли амалий ёрдамлар, жумладан, ҳар ҳафта маълум миқдорда бепул нон билан таъминланаётгани маълум бўлди. Вилоят бандликка қўмаклашиш бош бошқармаси эса аёлнинг иш сўраб ёзган муурожаатидан сўнг унга вилоят Сил касалликлари шифохонасидан иш ўрни яратиш берган экан. Булар ҳақида беҳабарлигимиз боис Наимага “шундайми?” дея юзландик, у тасдиқ оҳангида бошини қимирлатди. Сўнг Китоб туман ҳокимлигига қўнғироқ қилдик. Улар мазкур оила яшашини учун илгари ҳарбийлар истиқомат қилган бинодан тураржой ажратиб беришганини, лекин Наиманинг ўзи бунга қўймай, икки-уч мартаба яшаш хоналарини ўзгаририб кетганини айтишди. Аёл эса бунинг сабабини куракда турмайдиган баҳоналар — балкон очиклиги, капталлар уя кургани, хоналар таъмирталаблти билан изоҳлади.

ҚўЛ БИЛАН БЕРГАНГА ҚУШ ТҮЙМАС

Ҳатто, маҳалла ва ҳокимликдан вакиллар келиб, қайнонаси уйдан икки хонани аёл ва болалари учун ажратиб олиб беришса-да, Наима эртасигаёқ “қайнонам мени ўлдириб қўяди”, деган илдоо билан уйдан чиқиб кетибди. Хуллас, ҳар гал бир мутасадди билан боғланганимизда, Наима берки-таёган бир ҳақиқат юз кўтарар эди.

Шундан сўнг аёлга сўз қотдик: “Нега бор гапни биздан яширдингиз? Аввало, аҳоли ўтганини баҳона қилиб ота уйини тарқ этишингиз шартмиди, наҳот, отангиз, акангиз, қавм-қариндошларингиз томини лойсувоқ қилиб беришолмади? Ёки уйсиз, дарбалар, ҳали унинг, ҳали бунинг эшигига зорланиб юришдан кўра шароити ҳаминқадар бўлса-да, ҳокимлик ажратиб берган уйда яшасангиз бўлмасмиди?” Буни қарангки, масала ойдинлашгани сари Наиманинг “тутқаноғи тутар”, “сизлар ҳам ушаларнинг бирисиз” деб тумсайиб оларди. Афсуски, “қаҳрамон”имизнинг дилидаги гап бошқа экан, асл нияти — ҳеч бир тўловсиз, ҳеч қандай фоизсиз текинга уй олишни мўлжал қилган экан.

Бизга маълум бўлишича, биргина Китоб туманининг ўзида 500 дан ортиқ мана шундай оила истиқомат қилади. Бутун мамлакатимиз бўйича ҳисобланганда бу рақам табиийки яна ортиши турган гап. Бироқ кам таъминланганларнинг ҳаммаси ҳам Наима каби “берсанг ейман, бермасанг ўламан” қабилида иш тутаетгани йўқ-ку! Бирови ер чопаетган бўлса, бирови мол боқяпти. Яна бири оилавий тадбиркорликни йўлга қўйган. Борига қаноат қилиб, ҳалол меҳнати билан оила тебратяпти, болаларини ўқитиб, уй қуриб, орзу-хавасини қияляпти. Кимдир товуқ, кимдир қўён боқиб тирикчилигини тикляяпти. Ҳатто имконияти чекланган одамлар ҳам яратилган шарт-шароитлардан оқилона фойдаланиб, ҳалол ризқ топиб ўз иродаси, сабрбардоши, ҳаракати билан жамиятда ўз ўрнига эга бўляпти. Тахриратимизга келиб, олдин йигиси билан инсоний туйғуларни жунбушга келтирган, ҳақиқат кўз очгач эса асл қиёфасини кўрсатиб, бошқалар унга қилиб беришга мажбурдек ўзини тутган бу аёл қабилир афсуски, топилади. Уларни боқимандлик кайфиятида яшовчилар дейиши мумкин. Йўқса, “болаларимга қарагани одам йўқ” деб таъйир ишга ҳам бормаслик мумкинми? Эшикма-эшик юриб, ҳали унга, ҳали бунга “дод”ни айтишдан чарчамаслик-чи?!

Аёл билан ўтган уч соат вақт биз учун керакли муоасаларни бериб улгурди. Келганида маънос тортган кўзлар, сўлғин чехра, тушқун кайфият ўрнини кетар чоғи дўқ-пўисали оҳанглр, ҳаракатлар эгалла-



ди. Иш столи устидаги қайчини олиб, ўзига нимадир қилишга уриниш ҳаракатлари эса... “Тавба” дея ёқа ушлайди киши.

Кези келганда айтиш жоиз, тахриратимизга келадиган аксар хатлар билан танишар эканмиз, уларнинг тахрираталаб эмаслиги бизни ўйга толдиради. Газетада ишловчи муҳбирларнинг ёзгани ҳам ҳали бўлим муҳаррири, ҳали масъул котиб ёки бош муҳаррир тахрирдан ўтгачина саҳифа юзини кўради. Айрим шикоят хатларини ўқиб, муаллифга “ким ёзган бунни”, десангиз, “ўзим” деб туравереди. Ўша ернинг ўзида қўлига қалам тутқазиб, ариза ёзиб бер, десангиз хат бошқа биров томонидан ёзилганига ҳеч шубҳа қолмайди. Шунда ўйга толсан, киши, балки бу каби журналистик материаллардан-да аъло, бехато ёзилган шикоят ва муурожаат хатларининг қалами бирдир. Бундан “оқилона” фойдаланаётган қайсибир “мирзо”ларнинг бозори қаҳқон, касби “мактуб битиш”дан ўзга нарса эмасмикан?! Ёки бир шикоят хатига бирваракайига 10-15 та давлат органи номи қайд этиб, уларга кетма-кет жўнайтиш бир ўйин бўлдими?! Аслини олганда, ўша муаммо кўйи давлат органининг ўзида ҳал этса бўладиган масала. Лекин сабрсизлик, бетоқатлик оқибатида юборилган бу каби шикоят хатлари деярли ҳар бир ташкилот иш столида топилади. Ваҳоланки, қайси давлат органи бўлмасин, уларни қонун доирасидаги ўрганишга мажбур. Энди ўзингиз ўйланг. Унда давлат ва нодавлат идоралари фуқаролардан келатган юзлаб шу каби ариза ва шикоятларни қонун доирасида қўриб чиқишни учун бу ишга масъул мутасаддиларнинг қўли “банд” бўлиб қолмайди? Умрининг ўз вақтида бажариши лозим бўлган ишлари орқага сурилмайптими?! Афсуски, шундай. Тўғри, фуқароларнинг муурожаати ҳеч кимга оғирлик қилаётгани йўқ. Агарки, улар мантиқли асосларга эга бўлса, ҳар бир мутасадди раҳбар ёрдам беришга тайёр. Аммо боши кети йўқ асосиз давлоларга чек қўйиш, қонунларга тегишли ўзгаришлар киритиш вақти келмадикиман. Балки фуқароларга бир хил қолипдаги “дийиё” аризаларни ёзиб берадиган кўтмир “мирзо”ларнинг ёшовини тортиб қўйиш керакдир.

Ҳаёт қийинчиликлари билан гўзал, турмуш номи билан “мушт”. Тақдирнинг синҳовларини сабр-бардош, ҳалол меҳнат ва ҳаракат билан енгган онгли инсонларгина ҳавасли ҳаётга етади. Биз бу билан Наимани қораламоқчи ёки у каби идораларга бирваракайига қўлч энли шикоят хатларини битувчиларни танқид қилмоқчи эмасмиз. Фақатгина бу каби муурожаатчиларимиз ўз юкини бировларнинг елкасига қўйиш иллатидан ҳалос бўлишларини, ўзи учун ўзи ҳам озгина жон қуйдириш, ҳаракатда бўлишларини айтмоқчимиз, ҳолос. Муурожаат қилишдан чарчамай, идора-идора нолиб, шикоят қилиб юришга кетказилган вақтини бирор фойдали ишга сарф этсалар, аввало, ўзларига яхши бўлмайдими?!

Қўл билан берганга қўш ҳам тўймаслигини, муқаддас каломларда ҳам дангасалик, тиланчилик, тўрт мучаси соғ бўла туриб, бировларнинг қўлига қараб яшаш қораланишини улар онгига етиб борадиган тарзда кўп ва ҳўб тушунтиришимиз, шундай кайфиятдаги муурожаат эгаларини эса фаол ва фойдали меҳнатга йўналтириш, уларни мамлакатимизда кенг қўлч ёзаётган тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш пайида бўлишимиз керакка ўшайди.

Айтганча, яқинда “Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида”ги қонун янги тахрирдан чиқди. Ундаги ўзгариш ва қўшимчаларга кўра, энди муурожаатларни қўриб чиқишда сансалорликка йўл қўйилмайди ҳамда тақрорий муурожаатларни қўриб чиқиш тартиби ҳам ўзгача бўлади. Яъни ушбу қонуннинг 30-моддасига биноан “агар тақрорий муурожаатлар янги важабр ёки янгидан очилган ҳолатлар келтирилмаган бўлса, илгарии муурожаат материалларида эса текширувларнинг тўла-тўқис материаллар мавжуд бўлса ва муурожаат қилувчига белгиланган тартибда жаваблар берилган бўлса, муурожаатни қўриб чиқиш тугатилиши” қайд этилган.

Гўзал МАЛИКОВА,
“Hurriyat” муҳбири

«БИР САФДА» ЖУРНАЛИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА

Мамлакатимиздаги тўнғич оммавий ахборот воситалари-дан бири — «Бир сафда» журнаlining илк сони босмадан чиққанига олтинчи йил тўлди. Ўзбекистон кўзи ожизлар жамиятининг нашри сифатида ўз мухлислари ҳурмат-эътиборини қозониб келаятган журнал тахририяти жамоасини ушбу табаррук сана билан самимий кутлаймиз. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Кулман Очилнинг куйидаги мақоласи ҳам ушбу санага бағишланган.



алоқа воситалари, ранг-баранг жиҳозлар энг ҳаёлараст журналистнинг ҳам тушига кирмас, кира олмас эди. Арзимаган бир нарса-бу юмини олиш, харид қилиш учун соатлаб, кунлаб, оилаб, йиллаб навбатда туриб керак. Ушанда мен тушликка пирожка олиш учун Бешёғочдаги гуммафурушга чой-чақа ташлаб, эр-талабдан навбатга ёзилди келардим, десам, кулманг. Бор гап. Негаки, бутун шарҳ аҳли келиб шу ердан гумма оларди. Товар ширин ва сифатли бўлгани учун эмас. Гумма сотилганидан бошқа жойнинг, танлаш имкониятининг ўзи йўқ эди. Олсанг — шу, олмасанг — катта кўча!

Даҳлиздаги интизорлик тиркама стол — менга, эски телефон тургани — катта муҳаррир Кулмуҳаммад ака Ёшимовга қарашли. Мен — у кишининг ёрдамчиси, кўзи. Дорилфунундаги сабоқдошларим тили билан айтганда, «Йўлчи юлдуз», расман — техник котиб. Журналининг қабириқ нашри учун масъул Кулмуҳаммад ака муштарийлардан келган хатларни ўқийди. Хат брайл арифмосида битилган. Мен яси матнга кўчираман. Кўча темирчининг босқонини, хона ҳаммомни эслатади. Ойқ турган деразадан серкатнов кўча шовқинию гармселдан бошқа нарса кирмайди. Қани энди бир этган шабада эсса. Нафас олиш азоб. Лекин Кулмуҳаммад ака ҳар доимгилек тетик. Бирор. Хатни дикторлардек баланд овозда, мароқ билан бўғинлаб-бўғинлаб ўқийди: «Ассалом-у алайкум, ҳур-матли ре-дак-чи-я!»

«Бир сафда» ихтисослашган журнал бўлса-да, тахрират муштарийлар, фойдаллифлар, илгор зиёлилар — шoirлар, ёзувчилар, рассомлар, олимлар, шифокорлар билан доим гавжум бўлади. Журнали янада ўқишли, қизиқарли, чоп этилаётган материалларни тагин ҳам ранг-баранг этиш борасидаги қизгин муҳокамалар тўхтамайди. Муқовасидан мундарижасингача синчиқлаб ўрганилади, тахрир қилинади ва тўғриланади.

«Ташриф кун» эрталаб масъул котиб Анвар ақани жуда хушқол кўраман: — Мухим янгилик, — дейди у гўё қўшимча муқофот беришидан огоҳ эттандек. — Бутун ака Мурод келадилар.

«Бир сафда» журналининг ҳар бир сонини интизорлик билан кутамиз, — деб давом этади «диктор». — Ойламин даврасида микриқиб ўқиймиз. Муҳокама қиламиз. Шундай ажойиб, дилкаш журналини ато этганига шукроналар айтмиш...

Жазиранининг сал тафти қайта бошлайди. Кулмуҳаммад ака ҳассасини олиб, бовини биланга ўтказди: — Бугунча шуниси етар.

Тролейбус бекати томон юрамиз. 14-тролейбус олатдагилек тўхтади. Лекин Кулмуҳаммад ака чиққини билан ҳамма сурилиб, олди ўрниндаки жой беради: «Келинг, қори ака. Утиринг!»

Тролейбусда у Чорсуғача, сўнг автобуста Тошкент вилоятининг Минволга қасабасингача боради. Камида қирқ чакирин йўл. Шаҳардан ҳийла узоқда яшашига, анча чигал йўллардан қатнашига қарамай, бирор марта ишга кеч келганини, адашиб-нейтиб, йиқилиб-сурилиб юрганини эслай олмайман. Кулмуҳаммад ака, раҳматли, мен бу дунёда кўрган-билган энг батартиб, меҳнатсевар, хушмуомала ва бариген одамлардан эди.

Тахриратла бирорта хат, бирорта хабар этибборисиз қолмайди. Милт этган фикри бўлса, журнал юзини кўради. Хатларга жавоб ёзиш лозим бўлса, кўчиратиш навбати Кулмуҳаммад акага келади. Мен муҳаррирлар тайёрлаган жавоб матнини ўқиб тураман. У «темир дафтери» — брайл қолипнинг орасига юпка картонни солиди: «Хурматли Фалончи Фалончиев! Аввало, тахриратимизга йўллаган мактубингиз, билдирган самимий фикрларингиз ва тиллақларингиз учун шукранли-кўп раҳмат! Биз Сиздек зукко муштарийларимиз борлиги билан фахрланамиз...»

Мен бугун улкан меҳр-оқибат, юксак ҳурмат билан йўрилган ана шундай самимий сатрларни, хатларни эсласам, дилим жуда ёришиб кетади. Аслида бу оламда инсондан қоладигани шу эмасми? Ширин сўз, ибратли амал, савоб иш.

«Бир сафда» журнали ўз муштарийларини олтинчи йилдан буён ана шундай ибратли амалларга қорлаб, бошлаб, рағбатлантириб келаятигани қандай яхши. Эл-юрта самимий сўзи ва ибратли ишлари билан маърифат тарқатиб келаятигани қандай яхши. Журналини ўқиганимда кўнглимда чарогон шуълалар порлаб, умилларингиз, эзгу амалларга рағбатингиз янада ошса, мўъжазгина тахрират аҳлининг орзулари ушлагани, ушалаётгани шу эмасми?!

Мен бу йўлда заҳматқаш ва фидойи ҳамкасбларимга омад ҳаммиса ёр бўлишини чин дилдан тилайман!

Кулман ОЧИЛ

ЧЕГАЛАНГАН ЧОЙНАК

Шундай жойлар ва одамлар бўладики, кўрганимда, эслганимда беихтиёр қувониб, яйраб кетасан. Тотли бир орзиқиш билан кўмсаясан.

Тошкентнинг Бешёғоч майдонидан Бобур кўчаси бўйлаб Низомий номидаги педагогика университети томон юрганимда мени ана шундай ажиб бир ҳаяжон чулғаб олганини сезаман. Дорилфунун рўпасидаги олмигина иморат — Ўзбекистон кўзи ожизлар жамиятининг биноси томонга қарайман. Ногоҳан нигоҳим оппоқ пардалар осилган деразалар томон шошилади. Бирор табақаси ёки пардасини очиб кўрсам, кўнглим таскин топаддек бўлади: демек, ичкарида одамлар бор, иш давом этадими.

Уттан асрнинг саксонинчи йиллари бошида мен бир муддат шу бинода, шу деразалардан бирининг ортида ўтирган, «Бир сафда» журнали тахририяти ходими сифатида кўп яхши одамларнинг субхатлари, ўғитларию кўмакларидан баҳраманд бўлган эдим. Хонамизни унчалик шинам, жиҳозларимизни жуда бой деб бўлмасам, кўнглимиз тўгдек баланд, орзуларимиз мўл, ўзимиз эса гоёт аҳил эдик. Ҳали-ҳамон кўз олдимда: икки бурчаги рапти ўтган ур стол, тўрт-бешта омонат курси қўйилган чоғроққина хона. Занг босган ичгаллари аллақачон шалвираб қолган «уч оёқли» баланд кийимилтич. Деразалар раҳидаги катта-кичик сопол туваклардан буй чўзган гуллар, тўрдаги бир парча мрамар тош устидан жой олган эски самоварни айтмас, кўзга илинадиган деярли ҳеч вақо йўқ. Бўм-бўш.

Бу — даҳлиз. Даҳлизнинг тўридаги мудо очик турадиган эшикдан ичкарига мўраласангиз, гавжум манзарани кўрасиз: уч бурчакни банд этган учалта столнинг усти ҳам лаш-луш билан тўла: қоғоз тахталари, папкалар, газета-журналлару китоблардан куддонгача бор. Тўрда бош муҳаррир ўринбосари Нормўмин ака Очиллов, бериқоқда масъул котиб Анвар ака Кулмуҳаммад, унга юзидан табассум, суҳанидан ҳазил-мутойиба аримайдиган Зокир ака Йигитилев — бўлим мудири ўтиради.

Уртала — пасткам стол. «Ресторан!» Ана энди «ресторан»нинг мулкига разм солинг: кўкрагини гоз қилиб турган бу тумшур билан идиш — хўм-чойнак. Қорнига улай-булай эмас, уч литрдан ортиқ сув, чой кетади. Чойини бир ҳафта этиб олиб ичсангиз етади. Кўксига — жўмрагига — консерва тунақасидан «орден» тақилган. Балдоғининг икки ёни пўлат (зангламайди!) сим билан чегаланган. Номи ҳам ҳайбатига мос: «фронтовик». Бу ерга у қачон, қандай келиб қолган — ҳудо билади. Лекин хона аҳлининг фаҳри, ифтихори! Ёнида — «шогирилар», олти пиёла! Ҳар бири айрон ичиладиган товоқдай келади. Қалин, оғир. Олтигаси олти ичи! Бетақор! Уларни ҳам гўё ҳозиргина жангу жадалдан чиқиб келган кекса жангчи дейсиз — тана-тўшига заха етган: лаби учган, дарз кетган...

Шунинг учун уларнинг орасида болдоқли пиёла фариштага ўхшайди. Бели ичгичка, гуллари нафис. Жойи ҳам, эгаси ҳам нозик. Унг томондаги тоза-озода тўртинчи стола. Овурупа томонидан келган, ажнбийлиги шундоқ сезилиб туради. Номи ҳам «ажнабий». Шу боис унга эгаси — Мурод Муҳаммад Дўстдан бошқа ҳеч ким қўл теккиса олмайди. Журъати этифайди, чамаси. Бошқа пиёлаларнинг вазиғаси кўп: гоҳ қадаҳ, гоҳ кулдон, гоҳ сиёҳдон...

«АКА МУРОД КЕЛАРИМИШ» Иш доим қизгин. Лекин гўрунг — дехқончилик. Зукко ва самимий, ўз ишининг устаси бўлган фидойи инсонлар билан ишлаш — ҳузур. Зерикамайсиз, ҳоримайсиз. Эрталаб тахриратга байрам бошлангандек қувониб кириб келасиз. Оқшом уйга эшитган янгиликларингиз, олган ҳаётий сабоқларингиздан қанотланиб учасиз. Қўнглимиздан китоб, тилингиздан шукрона тушмайди.

Олти йил «Тошкент шаҳар бош қурилиш бошқармаси» — «Главтшкентстрой»да кундузлари лой кечиб, бетон қуйиб, оқшомлари ТошДўннинг (ҳозирги УзМУ) кечки бўлимида ўқиган мендек қора ишчига журнал тахриратидagi шу камтарин шароит ҳам Боғи Эрамдек

мўъжиза бўлиб туюлади. Кийимларинг тоза-озода, ҳамкасбларинг — элнинг олди. Ўқиганинг — китоб, газета-журнал, эл-улуснинг фикру тилаклари битилган мактублар, эшитганинг — самимий ва оқилона гаплар.

«Бир сафда» ихтисослашган журнал бўлса-да, тахрират муштарийлар, фойдаллифлар, илгор зиёлилар — шoirлар, ёзувчилар, рассомлар, олимлар, шифокорлар билан доим гавжум бўлади. Журнали янада ўқишли, қизиқарли, чоп этилаётган материалларни тагин ҳам ранг-баранг этиш борасидаги қизгин муҳокамалар тўхтамайди. Муқовасидан мундарижасингача синчиқлаб ўрганилади, тахрир қилинади ва тўғриланади.

«Бир сафда» журналининг ҳар бир сонини интизорлик билан кутамиз, — деб давом этади «диктор». — Ойламин даврасида микриқиб ўқиймиз. Муҳокама қиламиз. Шундай ажойиб, дилкаш журналини ато этганига шукроналар айтмиш...

Жазиранининг сал тафти қайта бошлайди. Кулмуҳаммад ака ҳассасини олиб, бовини биланга ўтказди: — Бугунча шуниси етар.

Тролейбус бекати томон юрамиз. 14-тролейбус олатдагилек тўхтади. Лекин Кулмуҳаммад ака чиққини билан ҳамма сурилиб, олди ўрниндаки жой беради: «Келинг, қори ака. Утиринг!»

Тролейбусда у Чорсуғача, сўнг автобуста Тошкент вилоятининг Минволга қасабасингача боради. Камида қирқ чакирин йўл. Шаҳардан ҳийла узоқда яшашига, анча чигал йўллардан қатнашига қарамай, бирор марта ишга кеч келганини, адашиб-нейтиб, йиқилиб-сурилиб юрганини эслай олмайман. Кулмуҳаммад ака, раҳматли, мен бу дунёда кўрган-билган энг батартиб, меҳнатсевар, хушмуомала ва бариген одамлардан эди.

Тахриратла бирорта хат, бирорта хабар этибборисиз қолмайди. Милт этган фикри бўлса, журнал юзини кўради. Хатларга жавоб ёзиш лозим бўлса, кўчиратиш навбати Кулмуҳаммад акага келади. Мен муҳаррирлар тайёрлаган жавоб матнини ўқиб тураман. У «темир дафтери» — брайл қолипнинг орасига юпка картонни солиди: «Хурматли Фалончи Фалончиев! Аввало, тахриратимизга йўллаган мактубингиз, билдирган самимий фикрларингиз ва тиллақларингиз учун шукранли-кўп раҳмат! Биз Сиздек зукко муштарийларимиз борлиги билан фахрланамиз...»

Мен бугун улкан меҳр-оқибат, юксак ҳурмат билан йўрилган ана шундай самимий сатрларни, хатларни эсласам, дилим жуда ёришиб кетади. Аслида бу оламда инсондан қоладигани шу эмасми? Ширин сўз, ибратли амал, савоб иш.

«Бир сафда» журнали ўз муштарийларини олтинчи йилдан буён ана шундай ибратли амалларга қорлаб, бошлаб, рағбатлантириб келаятигани қандай яхши. Эл-юрта самимий сўзи ва ибратли ишлари билан маърифат тарқатиб келаятигани қандай яхши. Журналини ўқиганимда кўнглимда чарогон шуълалар порлаб, умилларингиз, эзгу амалларга рағбатингиз янада ошса, мўъжазгина тахрират аҳлининг орзулари ушлагани, ушалаётгани шу эмасми?!

Мен бу йўлда заҳматқаш ва фидойи ҳамкасбларимга омад ҳаммиса ёр бўлишини чин дилдан тилайман!

Кулман ОЧИЛ

«ИНТИЗОРЛИК БИЛАН КУТАМИЗ»

— Йў-е, — дейди ҳамма столидан бошини кўтариб. — Қачон? — Тушликка яқин. — Унда тайёрларлик қўришимиз керак. — Ҳа. Буёғи энди тейэхўрлик. Иш таққа тўхтайди.

Мен, жамоадаги энг ёш ходим, дастёр бола, уртга ташланган пуллари гижимлаб, «ТП» — тўрт тийинлик пирожка — гуммага эрталоқ навбат олиш учун Бешёғоч томон шошиламан. Икки соатдан кейин ишхонага халослаб этиб келганимда «ресторан»ни маросимга шай ҳолда кўраман: чойлар дамланган, пиёлалар артилган. Ҳамма нарса бадастир. Ҳатто сарғиш газета қоғозидан ясалган салфеткагача бор. Хоналар ҳам келинчакнинг гўшангасидек батартиб.

ТУРГАН-БИТГАН ТАЛАНТ Гумгани уртга, ўн киши ош ейдиган каттакон сопол лаганга агадиримиз. Ана хирмон!

Шу пайт йўлақдан гулдираган овоз келади: — Қоринида тинчликми, оғалар? Ёмони йўқми? — Ассалому алайкум, Мурод ака! — Салом, салом!.. Уҳ-ҳу! Регесторанимизда жуда матмурчилик-ку! Лекин бунча гумгани тинчтигишга кўчимиз етармикан? — Етади, бемалол етади! — Ҳойнаҳой, бу ёш авлоднинг навбатдаги жасорати бўлса керак? — дейди менга имо қилиб. — Ҳа. — Овқатга қолганда ёш авлод биздан анча ўзиб кетишига жонанжон коммунистик партиямиз билан одил ҳукуматимизнинг ишончи қатъий!

Мурод ака қўлидаги портатив машинкаси, қоғоз-поғозларини четга қўйиб, тўрдан жой олади ва дарҳол дастурхонга қўл узатади. Кўзлари, қоғозлари қизариб кетган, ўта ҳорғин. Туни билан ишлаб, беҳад чарчагани сезилиб турибди. Алди ўз асарлари билан адабиётимизга катта гавғолаб солиб, эскича қолипларни бузиб ташлаётган кезлар. Ҳамманинг тилида унинг номи. — Бўйдоқчилик курсин, — деди у. — Бир ҳафтадан бери дурустроқ овқат еганим йўқ... Қорини ўйлашга вақт йўқ... Оҳ-оҳ, қайноқчилиги қаранг!..

Ун дақиқадан сўнг бир хирмон гумганин чангини чиқариб ташлайми, Муроджон? — деб ошдан ишга ўтади Анвар ака. У журналининг навбатдаги сонини бос-

фога чиқарилган. Муаллиф энди уни ҳар кўйга солиб, эзиб, эзгилаб роҳатланаётир. Кейинги гал адиб бошқа гап топиб келади: — Полвон ўзини осиб қўймаса, гўрға эди. Аҳволи оғир. Хотини Ҳадича ташлаб кетди.

Биламизки, Полвон — кейинчалик катта шов-шувларга сабаб бўлган, адабий танқидчилар муҳаббат мавзудаги қисқа, лекин гоёт ўзига хос асар сифатида жаҳон адабиётининг энг ноёб дурдоналари сафидан ҳақиқи равишда жой берган «Дашту далаларда» ҳўқосининг қаҳрамони. Асар «Бир сафда» журналида ҳам чоп этилган.

Гўрунг авж олади. Бирор Чингиз Айтматовнинг романидан, кимдир Абдулла Ориповнинг янги шеърларидан гап очамди. Эркин Воҳидовдан гапал ўқилади. Жамиятда, дунёда ўз бераётган воқеа-ҳодисаларнинг у ёғидан кириб — бу ёғидан чиқилади. Тортишув, баҳс-мунозара узоқ давом этади. Ҳеч кимнинг ўрниндан қўзғалмас, ишга қўл ургиси йўқ. Ҳамма Мурод ақанинг оғзига қараган. Унинг эса қайси гапи жиддий-ю, қайси бири ҳазил — биллиш қийин. Ҳангоманинг уяси. Шуниси қизик.

Бу орала мен чегаланган чойнақдаги чойни бир неча бор янгилайман. — Бўлди, оғажон, етар, — деб қўзғалади Мурод Муҳаммад Дўст. — Чой шароб эмаски, тўхтўшсиз симраварсанг... Яна қоринидада учрашгунча хайр, дўстлар! — Барака топсин, шу йигитнинг турган-битгани талант-да, — дейди эртаси кун Анвар ака унинг таржималарини ўқиб. — Икки тилда ҳам сўз деганимизни ўйнатаиб юборди. Шундай йигитларимизнинг борлиги — журналимизнинг, халқимизнинг бахти.

ИБРАТЛИ АМАЛ Аслини олганда, у замоналарда журналист тахриратидagi каби камқурини манзара ва жиҳозлар аллақачон йўқлик қаърига кетган советлар салтанатидagi барча корхонаю рўзгорларига ҳос эмасиди. Кейинчалик мен қатъий империянинг турли худудларидagi катта-кичик идоралар, жумладан, анчайин номдор газета-журналлар тахриратлари билан бўлганимда ҳам ана шундай фариб манзараларни кўрдим. Танқислик ҳар қадамда, барча соҳада ўз хукмини ўтказиб турар, эл-улус ҳам шунга кўнжикан. Кўникишга маҳкум эди. Бутунгилдек тўқиллик, файзу барака, компьютеру ноутбуклар, кишла илик, саратонда ёқимли шабада уфуриб турадиган кондиционерлар, замонавий бинолар, автомобиллар,

БОЛАЛАР КИТОБИ — 2017

Жаннатноманд юртимизда нима кўп? Албатта, шодийналар, тантаналар, байрамлар бисёр. Яқиндаги юртимиз мустақиллигининг 26 йиллик тўйини нишонлаган бўлса, навбат китоб фестивалига келди. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларимизда бўлгани каби пойтахтимиздаги Гафур Гулом номидаги маданият ва истироҳат боғида 14—16 сентябрь кунлари ўтказилган «Болалар китоби» III республика фестивали «Соғлом ва маънавий етуқ авлод — юрт келажиги» ширин остида ташкил этилди.

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Маданият вазирилик, Халқ таълими вазирилик, Тошкент шаҳар ҳўқимлиги ва бошқа давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этилган фестивалдан қўзланган асосий мақсад: 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида ривожлантиришни бешта устувор йўналиши бўйича Харақатлар стратегияси ҳамда «Халқ билан мулоқат ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастурида келажак авлоди интеллектуал ривожланган, ҳар томонлама

евоқ, баркамол инсон этиб вояга етказишда китобнинг ўрни ва аҳамиятини кўчиратиш масалаларига оид вазирият ижросини амалга оширишга ҳисса қўйиш, ёшларни инсонпарварлик ғоялари, миллий ғурур ва ифтихор руҳида тарбиялашда китобнинг ўрни ва аҳамиятини янада кенгайтириш, ёшлар ўртасида китоб мутлоаси ва китобхонлик маданиятини юксалтириш каби хайрли ишлардан иборат. «Болалар китоби» III республика фестивалида юрти-

мизда фаоллиги юртайтаган 60 дан зиёд нарийёт ва матбаа корхоналари ўз китоб маҳсулотлари билан иштирок этиди. Гафур Гулом номидаги маданият ва истироҳат боғининг махсус майдончаларида турли нарийётларнинг сўнгги йилларда нашр этилган болалар ва ўсмирлар адабиёти, жумладан, муомта ва замонавий адабиётлар, ўқув-маърифий китоблар, энчик-лопелик лўғат ва маълумотномаларнинг эркин савдоси уюштирилди. Чўлпон, Гафур Гулом, «Ўзбекистон», «Ўқитувчи» каби нарийёт-матбаа ижодий уйлари ўз китоб маҳсулотларини байрамга келган болаларга ҳаёя этидлар. Байрамда ёш санъаткорлар, «Томоша» театр студияси болалари баъий чиқишларини намойиш этган бўлса, Ўзбекистон давлат ёш томошабинлар театри аъзолари «Шум бола» спектаклидан кичик саҳна кўриниши билан томошабинларни қувонтирди. Ўзбекистон халқ шoirлари ва ёзувчилари, Зулфия номидаги Давлат муқофоти соғирдорлари ўзларининг ижод маҳсулларини ўқиб эшиттиришди. Таъбиринда «Еш китобсезим», «Менин биринчи китобим», «Китобхон оила», «Китоб — беминнат устоз», «Китобга меҳр қўйсангиз, у албатта сизни муносиб тақдирлайди», «Одамийлик китоби» мавзуларида интеллектуал викториналар ҳам ўтказилди. Байрамга келган юртдошларимиз боғнинг турли худудларида ташкил этилган кўргазма стендларини томоша қилдилар.

МУЛОҲАЗА

Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан «Журналистларнинг суд-ҳуқуқ соҳасини ёритиш ва журналист суриштирувини ўтказишга оид касбий малакаларни ошириш» мавзусида икки кунлик ўқув-курсда иштирок этдим.

Суд-ҳуқуқ соҳаси вакили ва журналист муносабатлари

Иқтисодий журналистика иқтисод ва молия соҳасидаги билимларни талаб қилганлик, ҳуқуқ ҳимояси йўналишида ижод қиладиган журналистлардан ҳам юридик билимлар талаб этилади. Агар журналист бу мавзуга қизиқса, у ҳар доим бу соҳа юзасидан маълумотларни топа олади. Журналист ҳуқуқ ҳимоясига оид материаллар устида ишлар экан, кўпинча ҳуқуқий ва этика билан боғлиқ муаммоларга дуч келади. Ҳақам сифатида майдонга чиқиб, сўнгги инстанция сифатида адолатни қарор топтириш истаги жуда кучли бўлади. Бундай вазиятда журналист — ҳолислик, бетарафлик, мувоозанатлаштириш принциплари амал қилиши лозим. Айни пайтда инсон ҳуқуқий мавзусида ёзилган журналист ўз хавфсизлигига ҳам амин бўлиши керак.

Журналист учун яна бир долзарб масала бу — суриштирув. Унинг суриштируви фақатгина бир соҳани қамраб олиши мумкин эмас. Ҳақиқий профессионал журналистнинг ҳар қандай мавзунини тадқиқ этиб, унинг ечимини топишда бевосита тажриба ва касбий малакаси муҳим аҳамиятга эга.

Криминал ва ҳуқуқий мавзу кўп ҳолларда журналист суриштирувининг диққат марказидаги масала эканлиги барчага маълум. Ушбу ҳолатда журналист ҳуқуқ-тартибот ходими билан бир қаторда суриштирувини олиб бориб, жиноятнинг очилишига ёрдам бериши ҳолатлари кўп қизилган ва бугун ҳам бу амалиётда ўз аксини топиб келмоқда. Масалан, журналист бир қатор мактаб директорлари ота-оналардан уларнинг болалари шу мактабларда ўқиниш учун пора талаб қиладигани ҳақида маълумотга эга бўлди. У мазкур вазиятда коррупция ҳолати бор ёки йўқлигини аниқлаш, бунинг учун эса вазиятнинг турли иштирокчилари — ота-оналар, ўқитувчилар, мактаб раҳбарияти, таълим вазирилик расмийлари ҳамда болаларни ҳимоя қилиш ташкилоти вакиллари билан гаплашиши керак. Чунки унинг ёзаётганлари кимнингдир шаъни ва қадр-қиммати га даҳл қилмагани, материал чоп этилгандан сўнг ўзи ва тахрират ноқонуний хатти-ҳаракат қилганликда айбланишига асос топиламлиги керак.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ОАВ ҳуқуқ ҳимоясига оид маълумотни оммага тақдим қилишда фавулода муҳим восита ҳисобланади.

Хушид МАЪРУФ

Келажак энергияси ва глобал иқлим ўзгариши

ШАРХ ЎРНИДА

Йилдан-йилга инсониятнинг электр қувватига бўлган эҳтиёжининг ошиши, мавжуд газ ва нефть захираларининг камайиши муқобил электр манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш заруратини туғдирмоқда. Зеро, глобал экологик муаммолардан бири бўлган иқлим ўзгариши бевосита инсониятнинг атроф-муҳитга салбий таъсири остида юз берди.

Э айёрамизда аҳоли сонининг ортиши, ишлаб чиқаришнинг ўсиши, саноят, автомобилсозлик ва бошқа соҳаларнинг ривож ҳаётида эҳтиёжларнинг қаттиқлашиши билан энергиянинг қаттиқлашиши бўлиб келиди. Оқибатда электр қувватини ишлаб чиқариш борасида сарфланаётган газ, кўмир ва нефть маъмулотларини ёқибдан чиқадиган карбонат ангидрид ва иссиқхона газлари ҳавони янада иситиб, иқлимнинг ўзгаришига сабаб бўлаётган. Бугун мазкур муаммо фақатгина экологлар, табиат муҳофазаси йўналишида фаолият олиб бораётган олимларнинггина бош оғриғи эмас. Унинг ҳал қилиниши жамиятдаги барча соҳалар билан боғлиқдир. Чунки қайси йўналишга назар ташламанг, унинг албатта электр қувватига эҳтиёжи борлигини кўрасиз, бу эса ўз навбатида атмосферага чиқариладиган карбонат ангидрид миқдорини оширади.

Қозғоғистон Республикаси пойтахти Остона шаҳрида жорий йилда “Келажак энергияси” мавзусида бўлиб ўтган “Ехро — 2017” халқаро кўрғазмаси доирасида мавзу юзасидан 12 та конференция ўтказилиб, уларнинг барчасида атмосферага карбонат ангидриднинг чиқарилиши, самарали энергия технологияларини жорий қилиш, шунингдек, барқарор энергетикан самарали фойдаланиш борасидаги мунозаралар, бахсларни ўз ичига олди.

Жорий йилнинг 21-22 август кунлари ташкил этилган “Иқлим ўзгариши муаммоси учун энергетик қарорлар” мавзусидаги халқаро форумда Европа, Африка, Америка, Осиё мамлакатларидан келган олимлар, бизнес, давлат ва нодавлат ташкилотлар ходимлари, журналистлар иштирок этишди.

— Қозғоғистон Республикаси углеводород хомашёси ва мине-

рал ресурсларнинг етакчи экспортёрларидан биридир, — дейди Қозғоғистон Республикаси Энергетика вазири Канат Бозумбаев. — Шу билан биргаликда мамлакат жаҳон ҳамжамияти, келажак авлод олдидagi масъулиятини ҳис қилган ҳолда тоза технологияларни ривожлантириш ва барқарор ривожланишни таъминлаш мақсадида “Яшил иқтисодиёт” тамойилларига таяниб иш кўради. Қозғоғистон Республикасида иқлим ўзгариши муаммосини ҳал қилиш давлат олдида турган асосий вазифалардан биридир.

“Ехро — 2017” халқаро кўрғазмаси ҳамда “Келажак энергияси” халқаро форуми энергиянинг янги турлари ва муқобил энергияни ҳаётга табиқ этишдаги энг илғор тажрибаларни қўллаш борасидаги тажрибаларни ўртоқлашни маълум қилди. Форумда айнан ўзининг тижорат гоъяларини муқобил энергетика асосида амалга ошираётган тадбиркорларнинг қатнашиши унинг долзарблигини яна бир бор кўрсатди.

— 2040 йилга келиб энергиядан глобал миқёсда фойдаланиш 30 фоизга ўсади, — деди ўз маърузасида “Kazenergy” раиси Уриносари Узақбай Қарабалин. — Урбанизация ўсаётган ҳамда индустриализация жалал равнисида амалга оширилаётган Хиндистон, Хитой, Жануби-шарқий Осиё давлатларида бу кўрсаткич янада юқори бўлади. 2014 йилда ривожланаётган мамлакатлар Иқтисодий ривожланиш ва ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатларнинг эҳтиёжи биргича Хитой ва Хиндистоннинг эҳтиёжи билан яқин 20 йилда тенг бўлади.

Конференцияда маъруза қилганлар Париждаги иқлим ўзгариши борасидаги келишувнинг дунёда амалга ошириш учун 2040 йилга келиб жаҳон энерге-



тикасига 44 триллион доллар миқдордаги сармояларни киритиш зарур бўлиб, уларнинг 20 фоизи муқобил энергетикани ривожлантиришга йўналтирилиши кайд этишди.

Форумга таклиф этилган АҚШдаги Стэнфорд университети энергетика сисъати ва маблағларини ўрганиш бўйича Стайер-Тейлор марказининг ходими, олим Жеффри Болнинг фикрига кўра эса, янги энергия манбалари жаҳон иқтисодий тизимини бутунлай ўзгартириб қобарди.

Шу билан биргаликда конференция ишида иштирок этган “Centre For Innovation In Voluntary Action”нинг директори Майкл Нортон Хитойнинг муқобил энергетика борасида олиб бораётган ишлари, шунингдек, ўзи раҳбарлик қилаётган Марказга экологик жиҳатдан тоза энергия манбаи бўйича бутун жаҳондан келиб тушарган гоъялар устида тўхтади. Биноларнинг энергетик тавсифи Европа институтининг ижрочи директори Оливер Рапф электр қувватини тежовчи “ақлли уйлар”ни қўллаб қўриш, ҳозирги кунда мавжуд уйларда иссиқликнинг беҳуда сарфини олиш учун эшик ва деразаларни герметизация қилиш борасида тўхталиб, мазкур йўналишда компания томонидан олиб бораётган ишлар ҳақида сўзлаб берди.

— “Ақлли уй” нима учун керак? Ҳозир ҳаво ҳарорати инсоннинг айби билан ошиб бораётганини инобатга оладиган бўлсак, унга мослашиш ва атмосферага зарарли газларни чиқармайдиган, муқобил энергия манбаларидан ишловчи уйларни қўриш зарур, — деди у. — Улар-

нинг фаолиятини ривожлантиришда аввало:

- марказлаштирилган иситиш тизимидан воз кечиш;
- аҳолининг иқлим ўзгариши ва унга мослашиш борасидаги билимларини ошириш зарур. Чунки бугунги кундаги мавжуд уйлар жуда ҳам кўп электр ва иссиқлик қувватини “истеъмол” қилади ва шунинг ўзи билан иқлим ўзгариши борасидаги муаммонинг янада кескинлашувига ўз ҳиссасини қўшади.

“Covestro AG” компаниясининг барқарорлик бўйича етакчи мутахассиси Ричард Норткоут “Электр қувватини ишлаб чиқариш ва энергия самардорлиги: оптимал натижаларга эришиш” номли маърузасида компаниянинг янги технологияларни қўллаган ҳолда қулай, арзон ва экологик жиҳатдан зарарсиз, электр қувватидан кам фойдаланадиган материалларни ишлаб чиқиш борасидаги тажрибаси билан ўртоқлашди.

Шу билан биргаликда форум ишида маърузалар билан бир пайтнинг ўзида олиб борилган “Иқлим ўзгариши муаммолари. Лаборатория”сида жамиятда ижтимоий ўзгаришлар борасидаги инновацияларни қўллаш учун етакчи мутахассислар раҳбарлигида маҳорат дарслари бўлиб ўтди.

Форумнинг иккинчи кунини бевосита самарали қувват манбаларидан фойдаланиш борасидаги энг яхши тажрибалар ҳақидаги маърузалар тингланди. Бангладешнинг Мухандислик масалалари бўйича худудий раҳбари Мурод Хусайний мамлакатда қўйилган батареяларини ўрнатиш, шамаол энергетикасидан самарали фойдаланиш хусусида форум қатнашчиларига сўзлаб берди:

— Асосий муаммолардан бири Бангладешдаги ақсарият аҳоли янги технологияларни тушунамай, эски услубда яшашини афзал кўришидир. Шу сабабли сайёра, мамлакатни, Ватанининг келажакига бефарқ бўлмаган ҳар бир олим, тадбиркор ўз фаолияти билан биргаликда иқлим ўзгариши, бевосита қувват манбаидан фойдаланиш ва унинг атроф-муҳитга таъсири борасида тушунириш ишларини ҳам олиб бориш зарур.

“Solar Impulse” фонднинг асосчиси, тадқиқотчи Бертран Пиккер “Тоза дунё учун новаторлик руҳи” номли маърузасида “аҳолида янги тафаккурни ривожлантириш, эски қарашлардан воз кечган ҳолда экологик жиҳатдан тоза ва хавфсиз дунёда яшаш” учун фаолият йўналишлари қандай бўлиши хусусида тўхтади.

Форумнинг асосий мақсади бутунги кун учун долзарб бўлган иқлим ўзгариши муаммосини оз бўлсада ҳал этиш, унга мослашиш борасидаги зарур йўналишлардан бири — энергия манбаларидан тежамкорлик билан фойдаланишдан ташқари, соҳага янги, илғор йўналишларни табиқ этиш борасида жаҳон тажрибасини кўрсатиш, фикрлар алмашинувини йўлга қўйиш бўйича ўз олдига қўйган мақсадига эришти. Зеро, бугунги кунда муаммони ҳал этишдаги ҳамкорлик, бирдамлик муҳим аҳамият касб этиб, бир ёқдан бош чиқариб ҳаракат қилиш зарур. Шундангина, инсоният фарзандлари учун ҳам хавфсиз ва тоза дунёни мерос қолдиради.

Нагрис ҚОСИМОВА

БУ ТУРФА ОЛАМ

ҲАРОРАТИ ЮҚОРИ УЛКАН ҚОРА САЙЁРА

“Science Alert” нашрининг хабар беришича, Тейлор Белл бошчилигидаги Макгилл университети



астрономлари қайноқ юпитерлар тоифасига кирувчи “WASP-12b” экзосайёрасининг қора газ гиганти эканлигини аниқлашди. Аслида мазкур сайёра 2008 йилда кашф этилган эди. Олимлар бу ҳақда “The Astrophysical Journal Letters” журналидаги мақоласида баён этишган.


“WASP-12b” экзосайёраси Ердан 1400 ёруғлик йили узоқликда жойлашган. У Кўёш тизимидаги бизга маълум Юпитер сайёрасидан деярли икки баробар катта. Мазкур сайёрадаги бир йил давомийлиги Ердаги бир кунга ўхшаш. Ундаги ҳаво ҳарорати Селсий бўйича икки минг даражадан ошади.

Олимлар газ гиганти атмосферасига қирадиган ёруғликнинг 94 фоизини ютишини аниқлади. Урганувчиларнинг таъкидлашича, қайноқ юпитерлар уларга тушуви радиациянинг 40 фоизини қайтариши одадий ҳол. Бунинг сабабини сайёранинг кун томонида булутларнинг йўқлиги билан изохлашмоқда.

Сайёра бутунлай қора кўринишда эмас. Юқори ҳарорат туфайли эриган металл мисоли қизил рангда товланади.

ФИЗИК ҚОНУНЛАРГА НОМУТАНОСИБ ДВИГАТЕЛЬ

Хитойнинг “ССТV-2” телеканали маълумотига кўра, хитойлик олимлар “EmDrive” двигателини ишчи версиясини яраттишди. “NASA” фазо агентлиги ҳам бу лойиҳа устида неча йиллардан бери бош қотирарди, бироқ амалий натижа бўлмаган эди.



Мазкур двигатель микроўлқинларни ҳосил қилувчи магнетрон ҳамда уларнинг тебранилишдан энергия тўловчи резонатордан иборат қурилмадир. Ташқи кўриниши эса агрегат ёнбош қилиб қўйилган челақ тасвирига эслатади. Мухандисларнинг сўзига қараганда, бундай қурилма, нурланишни тортувчи кучга айлантириш имконини беради. Физика қонунларига зид келувчи мазкур двигатель ва унинг концепцияси ҳақиқатга айланса, у ҳолда инсонлар колонияси Марсга 10 ҳафта ичида учиб бора олади. Кўёш тизимининг чекка худудларига ҳам бир неча ўн йилликлар эмас, санокчи ойларда парвоз қилиш мумкин бўлади.

Бироқ олимлар қурилманинг техник тафсилотларини баён этишмаган. Хабарда айтилишича, двигатель яқин орада коинотда синаб қурилади.

КОФЕ ЙЎҚ БЎЛИШ АРАФАСИДАМИ?

Мутахассислар иқлим ўзгариши кофе дарахлари ўсиши ҳамда уларни чанглантурувчи хашаротларга қандай таъсир кўрсатиши ҳақида излашни олиб боришди. Натижада келгуси яқин йиллар кофе етиштирувчилар учун оғир бўлиши маълум қилинди. Тадқиқот ҳисоботлари “PNAS” журналида чоп этилди ва бу ҳақида “kottrespondent.net” электрон нашри хабар берди.



Таъкидланишича, Лотин Америкасидаги кофе етиштиришга ярқоқ худудлар дарахларнинг ўсиши ва муҳим чанглантурувчилар яшаши учун жуда иссиқ бўлиб қолади. Кофе плантациялари ва асалариларнинг яшаш шароитларига боғлиқ сўнгги 50 йиллик маълумотларга кўра, энг катта зарар асаларилардан кўра, дарахларга етади. Айниқса, Жанубий Американинг тоғли худудлари учун ахвол қийинлашади. Кофе етиштиришга ярқоқ плантациялар эса 2050 йилга бориб, 73-88 фоизга қисқаради. Бу жараёндан Никарагуа, Гондурас, Венесуэла, Мексика, Коста-Рика, Колумбия каби тоғли ва тропик худудларда жойлашган давлатлар кўпроқ зарар кўради.

ҚАДАМЛАРДАН ҚУВВАТЛАНУВЧИ КЎЧА ЧИРОКЛАРИ

“Earth.com” нашрида ёзилишича, АҚШнинг Лас-Вегас шаҳри кўчаларида “Boulder Plaza” кўёш-кинетик номли кўча чироклари ўрнатилди. Бу вазифани “EnGOPLANET” компанияси ўз зиммасига олди. Мазкур чироклар тунда кўчаларни ёритиши учун кундузи қуёшдан қувват олади. Шунингдек, пёйдлар йўлагидан ўрнатилган махсус плиткаларга йўловчилар қадам босиши билан ҳам энергия ҳосил бўлади ва у ёриткичларни керакли қувват билан таъминлай олади.



Бу худудда ҳар бир қадамга ўртача 7 Вт миқдорида ажралган энергия ёриткичлар махсус аккумуляторда тўпланиб туради. Светодиодли лампочкалар эса вазиятга ва эҳтиёжга қараб ёритиш рангини белгилайди. Кўча чирокларининг ҳар бири зарур пайтда ишлатиладиган ҳаракат узаткичлари билан таъминланган. Узаткичлар ҳаво сифати, йўл мониторингинг, видеокузатув вазифаларини ҳам бажаради. Бундан ташқари, ҳар бир чирок олдида махсус айвонча бўлиб, унда симсиз қувватлантириш қурилмаси ҳамда “Wi-Fi”га улашиш имконияти бор.

Интернет материаллари асосида Г.МАЛИКОВА тайёрлади.

ЭЪЛОН

Тошкент шаҳар, Адлия Бошқармаси томонидан 16.10.2009 йил №364 реестр тартиб рақами билан рўйхатдан ўтган “PARITET NIHOYA” Адвокатлик Бюроси тасъисининг 11 сентябрь 2017 йилдаги қарорига асосан ТУГАТИЛАДИ.

Даволат эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддат ичида қуйидаги телефон рақами орқали қабул қилинади: +99894 650-68-86.

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани Бoғқўча кўчасидаги Мирахмедова Хафиза Абдусаматовнага тегишли 80 а- уйнинг кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Хусния ЖУМАОЕВА тайёрлади.

Баобаблар Ватани

ЖУГРОФИЙ САЁҲАТ


Машҳур француз ёзувчиси Антуан де Сент-Экзюперининг «Кичкина шаҳзода» асари кўпчиликка таниш. Бу асарда «баобаб» дарахти ҳақида сўз юритилади. Маълумотларга кўра, баобаб бамбукдошлар оиласига мансуб дарахт бўлиб, оқ, йирик гулли, мевалари бодрингсимон. Бўйи 10–12 метрга етади, шох-шаббаси катта майдонни эгаллайди.

Нега дабдуруддан бу ўсимлик ҳақида сўз борапти, деб ҳайрон бўлатгандирсиз? Сабаби бу галги сафаримиз шундай дарахлар кўп ўсувчи, чинакам бахт ҳиссини туйиш мумкин бўлган замин — Судан томонга бўлади. Бу ўлка ҳар йили минглаб сайёҳларни ўзи томон чорлайди. Қизил денгизнинг дайвинг қизиқувчиларини ҳайратта солуви аjoyиб манзарали қисми ҳам шу дийр худудга тўғри келади.

Судан Африканинг Шимоли-шарқиди, Саҳрои Кабирдан жанубда жойлашган кўҳна давлатлардан биридир. Унинг майдони 2,5 миллион квадрат километрни ташкил этади. VII асрдан кенг ёйиладиган араб тили мазкур давлат ҳам биринчилар қаторида кириб келган.

Мамлакат пойтахти — Хартум шаҳри бежиз бундай номланмаган. Агар харитага назар ташласангиз, мазкур шаҳар чиндан филнинг узун хартумини эслатишига гувоҳ бўласиз. Маъмурий жиҳатдан 26 та штатга бўлинувчи Суданда давлат тузуми республика ҳисобланади. Мамлакат тўғри ва яширин овоз бериш йўли билан 5 йил муддатта сайланувчи президент томонидан бошқарилади. Конституцияси 1998 йил 30 июнда қабул қилинган. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Миллий ассамблея (парламент), ижрочи ҳокимиятни эса президент тайинлайдиган ҳукумат амалга оширади.

«Судан» сўзи араб тилида «қора танилилар мамлаката» деган маънони англатади. Бу ўлканинг иқлими субэкваториал. Энг салқин ойининг ўртача ҳарорати 20–26 даражани ташкил



этади. Ёзда Жануби-ғарбий муссон шамоллари эсиб, ёмғир ёғади. Ёғин миқдори шимолдан жанубга 100 мм.дан 2000 мм.гача ортиб боради. Қиш ҳам ёзилек иссиқ бўлувчи бу мамлакатнинг анча қисмини Ливия ва Нубия чўллари ташкил этади. Асосий дарёларидан бири — Нил. Унинг Оқ Нил ва Кўк Нил номли қирғоқлари мамлакат марказий қисмини, жумладан, Хартумни ювиб туради. Бундан ташқари Нигер, Сенегал, Шари ва Гамбия каби дарёлар ҳам оқиб ўтади. Улардан, асосан, қишлоқ ҳўжалиги экинларини сугоришда ва электр энергияси олишда фойдаланилади. Энг катта қўли Чад бўлса, энг баланд тоғи Киньети ҳисоблана-

ди. Асосий денгиз порти — Порт — Судан. Нил ва унинг ирмоқларида кема-лар қатнайди. Суданнинг Хартум, Омдурман, Порт — Судан, Жуба, Ал-Убайд каби йирик шаҳарлари мавжуд.

Аҳолиси асосан қишлоқ ҳўжалиги билан шуғулланади. Араб елими (ақақиё) етиштириш бўйича Африка давлатлари ичида етакчи ўринни эгаллайди. Асосий экспорт маҳсулотларидан бири бу — пахтадир. Шу боис катта майдонларга пахта экилади.

Судан давлатининг ўтмишига назар ташлайдиган бўлсак, худудда одамлар тош даврдан яшай бошлаган. Бундан ташқари XIX асрда Суданда 2-3 йиллик мусулмон мактаблари булган. Мустамлакачилар келгач, инглиз

таълим тизими намунасидаги мактаблар тузила бошланди. 1970 йилда мактаб тизими ислоҳ қилиниб, тўлиқ мактаб тизими жорий этилди. Бугунги кунда қизлар мактабиди уй-рўзгор юмушлари ва тикувчилик сир-синаотлари ўргатилади.

Судан ошхонасида француз, инглиз ва италян ошхоналари анъаналари аралашиб кетганини кузатиш мумкин. Бу миллат ошхонаси арабларникига ўхшаса-да, ўзига хос жиҳатлари билан улардан фарқланади. Миллий таомлари, асосан, фасол, бақлажон ва булғорли соуслар, пизэ ва саримсоқли ёзми аралашмалар, турли гнёҳ ва ачиқ зираворлар асосида тайёрланади. Байрам дастурхонининг шоҳтаоми эса — товуқ билан бирга тортилдиган сабзавотли ёки гуручли гарнирлардир. Чунки суданликлар қўй ва товуқ гўштини хуш кўриб тановул қилишади.

Судан ҳақидаги қизиқarli маълумотлардан яна бири — у ердаги автомобиль йўлларининг анча қисмига асфальт ётқизилмаган. Шунинг учун ҳам ёгингарчилик мавсумида бу йўлларда юриш жуда азоб.

XIX асрда Суданда 2-3 йиллик мусулмон мактаблари булган. Мустамлакачилар келгач, инглиз

ИНСОН МАНЗАРАЛАРИ

Шаҳарнинг Сергели даҳаси охирай бошлагач, автобус ўнгга қайрилиб, бекатда тўхтади. Тушиб энди йўл четига ўта бошлаган эдим, аёл кишининг чақирғи эшитилди: — Келдибек, Келдибек ука, сизмисиз?

Эши анчага бориб қолган аёлни аввал танмадим. Менинг кўлимда иш қозғоғларим, газетга ўроғлик қўлёзма, ранг-рўйим афтоҳол... — Келдибек, сизни автобусда анча пайт кузатиб келдим, танидим, Рухида опангизман, Гулчиroyларнинг кўшниси, сизнинг уйингизда ўн кунча турганим, менинг даволанишимга маслаҳат берган эдингиз. Сизни тунов кунни телевизорда кўрдим. Бунча паршонсиз? Хали ҳам Гулчиroyга куйиб юрибсиз-а! Эсиз, Келдибек, ўқиган одамсиз-ку? Нега бунча чўкиб кетасиз?

Аёлнинг таклифи билан тамаддихона бурчагидаги ўриндиққа ўтдик. У киши икки стакан кофе буюрди. Тақдир йўлимиздаги бизга боғлиқ бўлмаган чироқлар яна ойдинлашди.

Кенгобод — Республикамининг чўл ҳудудларида жойлашган бир гўша. У ернинг одамлари Ўзбекистоннинг турли жойларидан жамланган. Бир пайтлар чўлни ўзлаштириш баҳонасида бу ерларга инсон қадами теккач, обод гўшага айланди, аммо улар ўзлари туғилиб, ўсган қишлоқларига келиб қолишса, бироз кўниқшолмайди, яъники, “шаҳар табияти” санайди ўзларини, агарда каттароқ шаҳарларга бориб қолишса, гангиб қолишди, энди ўзларининг “тўпори”лиги билиниб қолади.

Мен оила лаззатини яхши билмаган одамман, аммо ўша лаззатни биринчи бахтим тасаввурда қис эйтиб ашайману, ўша сиймо қифасида — дунё, ўз ҳолича мени боғлаб тургандек. Гулчиroy билан муносабатларимиз галати, менда манунлик ошиб кетди, келадиган кундан кувонаман.

Аксинча, бир-биримизга совуқлашасан дунё қоронғи бўлиб кетди гўё. Бу гал ҳам шундай, қайнота-қайнонамнинг минг бир оғир нигоҳларини чидаб кўтардим, Кенгободдан Гулчиroy билан автобусга чиқдик, бекатдаги бир аёл ҳам чиқиб Гулчиroy билан ёнма-ён ўтирди. То шаҳарга қадар унинг жағи тинмади, назаримда, бетоб, ҳуллас, учовлашиб, бизникига, квартирамизга кириб келдик.

Уйга келгач, опа менга “ёрлиди”. Айттишча, уч-тўрт йилдан буён “бел грижа”си қийнайди, опа бу касалга даво йўқ, деб ўйлаган шеклиди, тушкунликка берилди, руҳиятини майиб қилиб

қўйган. Яна “черепной давлении” деб тушунтирди, (Ўқимасаям, дўхтирларга боравери, сал-пал ёллаган шеклиди) ҳалдан ташқари руҳий зўриқиш, айтишча, эри умуман ишламас экан, бир пайтлар ўғил кўриш орзуси бўлган. Эр-хотиннинг умиди сўлиб бўлган, оилавий жанжаллар... Қўйинги, қаршимдаги одамга нима деб тасалли беришга ҳам ожиз эдим. Яна у телевизорда зўр бериб реклама қилинаётган “Шифобахт” хусусий кўп тармоқли шифохонани катта умид билан мендан сўради.

Эҳ, опагинам, сиз кўрган рекламаларнинг ҳаммаси сиз ўйлагандай бўлганда эди, олам гулистон бўлиб кетар-

МУЮЛИШДАГИ МУШТИПАР


ди, бу шаҳарнинг нонини еб, мен билан-ку уларни. Опага бу шифохонага бормасликни маслаҳат бердим, ҳатто тиббей институтининг малакали шифокорларидан иборат, поликлиниканинг телефонларини бериб, манзилни ҳам тушунтирдим.

Эртасига биз бир гуруҳ олимлар билан Устюрт йўлидаги лойиҳа қурилишида иштирок этиш учун Қорақалпоғистонга жўнаб кетдик.

Кейинги воқеалар худди ипта тизилгандай. Аслида, мен бу дунёда бахт нималигини билмай ўтаётган, десам, бахтсиз одамлар “ўз ҳолича” дунё саҳнасида гимирлаб юргандай.

Турмуш ўртоғим Гулчиroy билан улар телевизорда зўр бериб реклама қилинган “Шифобахт” шифохонасига боришди. Шифохона кўчаларга кўтариб мақталгани билан, унча ҳам эмасди. Роса кутиб бир олифта хонимчага рўбарў бўлишди. Хонимча “бемор”ни тахис қўйиб баробарида роса “койий”ди. Сунгра, узун кунлик хизмат рўйхатини бериб, уларни “анча”га туширади. Эртасига опа-сингил бу шифохонадан айнаиб, маҳалла поликлиникасига борди, улар бу ерда домий рўйхатда бўлмаганини айтиб қайтариб юборишди, кейин, маҳалламиздаги яна бир шахсий поликлиникага йўлиқишди ва арзаниган пулини ҳам тутатиб қўйди.

Мен уйга келсам, опа умидсиз, Кенгободга қайтиб кетган экан... Афсус... ...Эсимбой почмиз табиятан ёмон одам эмас, аммо бироз айби ҳам бор, бир пайтлар иши тайин бўлиб, ойлик билан оила тебратган, кейинги йиллар тўғри келган ишда ишлашга мажбур. Кўнгли ўксиклиги — ўғил йўқ, икки қиздан кейин хотин касалманд, топган-тутган етмайди, аламдан ичади, у қаторилар бир ташкилот-



...“Қизим ўқини битирадиган йили бир курсдошидан совчи келди, бирга ўқиган, синашга йигит экан, ота-онаси ўзига тўқ. Тошкентдан икки ёшга уй олиб берди. Бир неварамиз бор, кўёвим ҳозир катта лавозимда. Иккинчи қизим ҳам ўқиб таралди. Соғлигим тикланди. Шундай кунларнинг бирида, қишлоқ гаражда эрим пайдо бўлди, аллақерларда ётиб юрган, афтоҳол, энг қийин кунларда мени ташлаб кетган, фар-

нинг раҳбари, уздабурон, унинг чекига миннат ва мардикорлик битилган, ичиб алами келганида, бир пайтлар ҳарбий хизматда бўлган Астрахан томонларга қолиб, бир ўрис хотинга уйланганига афеус қилади. Шундай кезларнинг бирида у Жиззах томонларга иш излаб борди, бир бой хотиннинг ҳовлисига ишлайди. Бой хотин эрсиз, кимдандир ортиртган боласи билан яшайди, ўзига тўқ. Эсимбойнинг бир ўн беш кунлик фидойилиги унга ёқиб, машинада устани шаҳарга олиб тушди, бир сидра турийм қилди, ҳаммом дегандек, кеңқурун зиёфат қилди, қарабсизки, “узукка кўз қўйгандек” эрхотин бўлиб кетишди. Эсимбой энди бироз роҳат туйгандек, бой хотиннинг дўконларига товар ташийди, яхши кийнади, қорин тўқ...



...Менинг ҳалдан ташқари паршонлигини кўриб, Рухида опа хўрсиниб қўйди. Аммо ҳаётида шундай мулкчи кунларни ўтказган бу аёлни мен тинглашга мажбур эдим, боиси, бу учрашув шунчаки тасолиф эмас, бир пайтлар, менинг оилали кунларимнинг гувоҳи бўлган бир инсоннинг менга ёзиришидек эди гўё.

...Охири, маҳалла вақиллари бизни яраштиришга ундади, қизим кўнмади, мен мажбуран кўндим, ҳозир яшашимиз, аммо кўнги туғул меҳрга ҳам интиқимиз, — дейди Рухида опа, сизлар ҳам гулдек оилангизни бузиб қўйингиз. Гулчиroyни турмушга чиқибди, деб эшитдим. Аммо ҳаёти ширин эмас, сиз эса бундай арвоқда... “Бирни ҳам дунё” дегани шумикан?!

Рухида опа билан хайрлашиб, хета бошладим. Кўча тўла автобус. Мана шу автобуснинг ҳам борар манзили бор, у ҳам автогаражга бориб тўхтади, аммо мендачи? Менинг манзилим борми, Гулчиroyни унутиб оларини одамга кўнги қўя оламани? Ёки умрнинг қолгани шундай ўтиб кетадими? Саволларимга жавоб йўқ эди.

Ортимдан бир машина қаттиқ сигнал чалди, бир жусса келиб, қўлимдан тортиб, йўл четига йўлакка чиқариб қўйди. Қандайдир таниш сиймо, ўзини танимаганимга олди. Муюлишдаги муштипар аёлнинг сўхбатидан таъсирландимми ёки менга ҳам яхшилик истаган инсонлар боришиг учунми, руҳиятимда ўзга эпкинлик пайдо бўлди.

Ҳали имконият бор, ўзимни қўлга олишим керак!..

Ўлжабой ҚАРШИБОЙ

ЙИРТИК КИЙИМНИ КИМЛАР КИЯВИ?

ОЧИҚ ГАП

Инсоннинг либоси унинг маънавиятини кўрсатиб туради. Кийиниш маданияти ҳақида гап кетганда, одатда, энг аввало, аёллар тилга олинади. Чунки эркекларнинг бу борадаги услуби секин ўзгаради. Аммо хотин-қизлар учун соат сайин янги урфдаги либослар чиқадики, бу оқимда ўзлигини сақлаш, одоб-ахлоқ доирасида кийиниш ҳам бир санъат аслида.

Биласиз, юртимизда турли номдор кийим-кечак дўконлари, butikлар мавжуд. Уларнинг харидорлари ҳам ўзига яраша. Аммо барибир, Шаржа асосий савдо ўчоғи — бозор ҳисобланади. Ушбу макро-ламини тайёрлаш мақсадида бозор ораладим. Кийим танлаётган хотин-қизлар, сотувчилар билан сўхбатлашим. Аввало, дўконда фикри бир жойдан чиқмаётган она билан қиз эглиборини тортиди. Осмон рангли, узун қўйлакни қизига танлаётган она бу кийим фарзандига нега ёқмаётганидан хуноб: “Қачонгача калта-култа кийиб юрасан, отанг, акаларинг олдига уят эмасми? Қара, чиройли экан. Нимаси, тўғри келмайди сенга? Айт!”. Сотувчи ҳам онани қўллади: “Тўғри, бугун шунақаси урфа. Кийиб кўринг, сизга ярашадиган”. Қиз эса терс бурилиб чиқиб кетди. Мен унинг ортидан юрдим ва ўзимни таништириб, мақсадимни айтдим. Танишдик. У университетда, хорижий тиллар йўналишида ўқиркан.

“Тил билмаган одам қўйлагига нима ёзилганини тушунмай, кийиб юраверадиган. Ана қаранг, ойм танлаган узун қўйлак чиройли. Матоси ҳам яхши. Олдиди “Kiss me” “Мени ўп” деган ёзув бўлмаганида жон деб киярдим. Опа, мен Фарба тақид қилмайман, аммо замонавий қизларга хос дилдан бор. Соғда ва ортиқча жим-жимасиз кийинишни хоҳлайман. Мана бу қўйлакни қаранг: кўксидан катта-катта ялтироқ тошлар билан “beautiful” деб ёзилган. Хўш, мен кўчада кўксимда “гузалман” деган ёзувни илби олиб, узун қўйлак кийиб юрсам ахлоқчи қиз бўлиб қоламани? Шунчаки ёзувсиз ва хушбичим кийим қидирияман”.

Қиз билан хайрлашиб, дўконларинг бирига кирдим ва сотувчининг ҳам фикрини билмоқчи бўлдим: “Хитой ва Туркиядан келтирилган кийимларга талаб катта. Аммо нархи ҳаммагача тўғри келавермайди. Худди шу кийимларни “ишлаб чиқариш”дагиси ҳам бор”. Ундан “Ишлаб чиқариш” сўзини тўлиқроқ тушунтиришни сўрадим. “Ишлаб чиқариш” моли дегани ўзимиздаги тиккув цехларида хорижий фирма қўйлақларидан андоза олиб тикилганига айтилади. Улар эрим, аммо сифат борасида камчиликлари бор. Буни харидорлар ҳам яхши билишадиган”.

Бозор оралашда давом этдим. Растада қатор қилиб қўғирчоқ-одамларга кийдириб қўйилган кийимларни томоша қилдим. “Қўйлагимнинг энги йўқ, энги бўлса” деганларидек, кўрганларимизнинг бири ўта очик-соқик, Иккинчиси тегирмонга тушириб юборилган, шеклилли, илма-тешик. Учунчисига эса мато иқтисод қилинган, чоғи, энги ва этагидан батамом мосуво қилинган. Мана, калаванинг учи қаерда?! Ахир, бозор тўла ажнабий кийимлару, биз қизларимиздан одоб доирасида кийинишни талаб қиламиз.

Ўзимизда ишлаб чиқарилаётган ақсарият либослар эса, таассуфки, Фарба тақидан тикилган. Уларда ялтироқ тошлардан “СОСО”, “Shanel”, “D&G” каби ёзувлар, қолаверса, турли суратлар туширилган. Ҳайрон қолсан киши, биз ўз либосларимизда нимани, тўғрироғи, кимни тарғиб қилаймиз?!

Ўзини Хосият опа деб таништирган сотувчи аёлдан “Ортиқча безаскис, мумтоз услубдаги, жамоат жойларига, ишхонага кийиш мумкин бўлган қўйлак танлашга ёрдам беришни сўрадик. Опа кўрсатган деярли барча қўйлақлар кўнгилашадек, аммо калта. Бозорда хориждан жонга келганигача бўлган харажатлар ҳисобига нархи анчагина баланд. Қолганлари эса, албатта, акаси бор қизларга тўғри келмайди услубда эди. Бундай дейишимизга сабаб бизда азалдан акалар сингисининг юриш-туриши, кийинишига ўзини жавобгар ҳисоблаган. Сингисининг ҳар бир кийими акаларнинг салобатли нигоҳидан четда қоламган. Шунинг учун ҳам қизлар “Акам қўймайди” деб тор, калта ёки очик-соқик кийимлардан ўзини асраган. Хўш, бугун-чи? Майли, бу энди бошқа мавзу.

Хуллас, пешингача бозор айландим, ҳу ойиси билан фикри бир жойдан чиқмаган қизнинг ҳолига тушдим. Ҳақиқатан ҳам, аёллар учун уйда кийишга мўлжалланган либослар кўп, аммо ишта, жамоат жойларига кийиб бориш мумкин бўлган бичими қўйлак, ялтироқсиз, асосийси, узун қўйлак топшиш мушкул экан. Борлар эса четдан келтирилган. Нархи осмонда. Тоққа чиқмасанг дўлана қайла, жон қуйдирамсанг, узун қўйлак қайла дея, яна бошқа кун келишни ният қилиб қайтдим.

Учинчидан, миллий дизайнерларимизнинг махсулотларини тарғиб қилиш мақсадида алоҳида телеканал очиб ёки кўнеличор каналлар дастурига миллий ананаларни сақлаган замонавий кийимларнинг кўрсатмаларини намойиш этиш учун алоҳида соатлар ажратилиши мумкин. Чунки аёлларда ойна жаҳонда кўрган кийимга тақдидан кийиниш одати мавжудки, бундан унумли фойдаланиш мумкин.

Қолаверса, миллий дизайнерларимизнинг энг сара либосларини юртимиз бўйлаб кенг тарқатиш, урфа айлантириш учун ишлаб чиқариш пеклари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш лозим. Бугун тадбиркор хоҳлаган кийимини тикиб, бозорга чиқарапти. У хорижий либослардан кўчирма қилиб, муаллифлик ҳуқуқини бузётганини ёки бегона оғилларнинг кўрқуна тарғиботчисига айланаётганини ўзи ҳам билмайди. Шу боис тадбиркорлар билан дизайнерлар ҳамкорлигини тўғри йўлга қўйиб, бозорларимизни сифатли ва чиройли, муҳими миллийлигимиз асосидаги замонавий кийимлар билан тўлдириб муаммонинг ечимидир.

Хуллас, ўз либосларимизни ўзимиз яратадиган вақт келди. Бизнинг таклифимиз шу. Сиз нима дейсиз?

Ситора ТОЖИДИНОВА, журналист

БИЛМАГАННИ БИЛГАН ЯХШИ

— Электрон тижоратнинг оғоҳ бўладиган томонлари ҳақида нима дейсиз? — Ушбу электрон битим узокдан туриб, икки бир-бирини танимайдиган киши орасида тузилиши билан бошқа савдолардан ажралиб туради. Кўпинча икки битим тузувчи бошқа-бошқа давлатда туради.

— Борди-ю, қонунлари хилма-хил бўлган икки мамлакатдаги икки давлат фуқароси ўртасида электрон битим тузилса, ўрталарда келишмовчилик чиқиб қолса қандай ҳал қилинади? Электрон шартноманинг ҳужжат эканлиги қай тариха исботланади.

— Савол ўринли. Хусусан, маълумот алдоби, хийла, қалбақлаштириш ва бошқа компьютер ва интернетта тааллуқли киноятлар кўпайиб бораётган бир даврда муаллифлик ва икхиро ҳуқуқларини ҳимоя қилиш анча мураккаб вазифа.

Лекин ҳар қандай соҳадаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солувчи қонунлар бор. Хусусан, “Электрон тижорат тўғрисида”ги, “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги қонунларда юқорида қайд этилган масалаларнинг ечимлари кўрсатилган.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг “Электрон тижорат тўғрисида”ги қонун ҳужжатларига назарда тутилганидан бошқача қоидалар белги-ланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

Саволларга Зағиота тумани 10-сонли ДНИ нотариуси Зилола Йўлдошева жавоб берди.

ТАҚДИР СУҚМОҚЛАРИДА

Бобом тик қоматли, басавлат инсон эди. У кишининг исми Бойқаро бўлиб, қатъиятли, бир сўзли, талабчан ва софдил бўлганидан қариндош-уруғ, маҳалла-кўй ичида обрў-эътибор ва ўз ўрнига эга бўлган. Онам бобомнинг ягона фарзанди бўлиб, биз опа-сингиллар бобо-бувимизни жуда яхши кўрар ва улар билан фахрланардик. Мен улар билан шаҳарда, опа-сингилларим ота-онам билан қишлоқда яшарди.

Бобом кўпинча ўз бошидан кечган воқеа-ҳодисаларни сўзлаб беради, бу ҳикоялар мен учун гоат қизиқ эди.

Бир кун уйимизга бувимнинг нафақасини бериш учун почтачи келди. Пулини олгач, бувим бобомга:

— Ҳой чол, нима қилади, сиз ҳам эл қатори мундай давлатдан пенсия олсангиз, нима қилади? — деб қолди.

Бу гапни эшитган бобомнинг қуюқ қошлари чимирилди.

— Неवारаларнинг гаминаи емай қўя қол, уларнинг ризқини Аллоҳнинг ўзи етказадди, — деди.

Бувим яна бир гал нафақа ҳақида гап очганди, бобом: “Кампир, қайтиб нафақа тўғрисида менга оғиз очмагин, майлими?” — деди қатъий қилиб. У кишининг феъл-аввали ҳаммадан кўра яхшироқ биладиган бувим қайтиб бу тўғрида гапирмади. Менинг эса кўнглимда бир тугун қолди: нега бобом пенсия олишни хоҳламайди?

Ёруғ қуёчлар



надиган улоқчи отларимгача бор эди. Ҳар йили ердан икки марта ҳосил олинарди. Хирмон донга тўлгач, тўпланган дон микдорига қараб, қишлоқдаги етим-есир, бева-бечораларга кафсан тарқатардим. Қолган ҳосилни қопларга жойлаб, оморхонага жойлардик.

Ўттизинчи йиллар юртда колхозлаштириш даври бошланиб кетди. Барча бойбадавлат, ўзига тўқ одамларни бирин-кетин колхоз йиғилишига чақириб, уларнинг ер-сув, мол-мулкни колхозга тортиб олиб, ўзларини ўзга юртларга сургун қила бошлашди. Шундай қора кунлар менинг ҳам бошимга тушди. Кечқурун колхоз тузувчи йўқсиллар мени ҳам йиғилишга чақирди. Бутун мол-мулк, ер-сувларимни хатлаб колхозга ўтганини, ўзимни эса аллақерга сургун қилинганимни айтишди. Бир неча дақиқада ҳаётим остин-устун бўлди. Мол-мулк майли, йигит моли кўчада дейишди, бош омон бўлса, дўппи топилар, лекин ҳеч қандай айбисиз отамерос қишлоқдан, юртдан қувилиш, ота-боболар хоқини, улар мазорини ташлаб кетиш, йигит киши учун ўлим билан баробарлигини англадим, ўҳригим келди. Колхоз тузувчилардан қишлоқда қолдиришни сўрадим, лекин улар ўзинг келиб, бор-будингни колхозга ихтиёрли топширганинда, бундай бўлмасмиди, энди иложи йўқ, сен ҳукумат томонидан “қулоқ” қилиндинг, деб жавоб беришди. Бошимга тушган мусибатдан қарахт ҳолда уйга қайтдим, бўлиб ўтган гапларни бувинга айтдим, саккиз фарзандини ерга қўйиб, тилаб олган, қўзи-

мизнинг оку қораси бўлган, эндигина уч ёшга кирган онангни бағрига босиб, айтиб-айтиб, ўқиб-ўқиб йиғлади, бу йиғига онам раҳматли ҳам қўшилди, бисотлариди бор қарғишлари билан колхоз тузувчиларни лаънатлади. Онанг билан бувингни нима деб, қандай қилиб юпатишни билмас эдим, чунки аҳволим уларникидан ҳам беш баттар эди.

Эртасига тонг-саҳар уйимизга колхоз тузувчилар кириб келди, дарҳол уйни бушатиб, қишлоқдан чиқиб кетишга шайланганимизни, хатланган барча ер, чорва, уй-жой ва мол-мулклар колхоз мулки бўлганини, ҳеч нарса олиб кетишга ҳақимиз йўқлигини айтишди. Барча колхозлардан “қулоқ” қилинганлар туман марказида тўланишини, у ердан белгиланган жойга жўнатилишини тайинлашди. Аравага бақувват отлардан иккитасини қўшдим ва унга укам Мирзааҳмад билан рўзгорга керакли буюмларни юк-ладим. Оғилдан соғин ситгирлардан бирини олиб чиқиб, бузоқчаси билан аравининг орқасига боғладим. (Қишлоқдан бадаларга бўлиб, ўзга юртларга қувғин қилинганимни билсам-да, нима учун бундай қилганимни ҳануз тушуна олмайман). Онам ва бувингни ёнимга чақириб, ўтган ота-боболаримиз рўҳига атаб Қурьон тиловат қилдим, сўнг бувингга қатқ сузадиган халталарнинг ювилган, тозасидан биттасини беришини сўрадим. Шу дамба бошимизга тушган мусибатни эшитган қариндош-уруғ, яқинларимиз, Ҳасан ва Хусан акаларим, уларнинг фарзандлари

Ўзбек мумтоз асарлари инглиз тилида

ТАРЖИМА САНЪАТИ

Ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллик тўйига тўёна сифатида жорий йилда Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг "Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизimini ривожлантириш, китоб муролааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида"ги фармони биноан Фарб китобхонларини ўзбек адабиёти асарлари билан таништириш орқали адабиётимиз ривожига муносиб ҳисса қўшилмоқда.

Шу кунгача инглиз тилидан ўзбек ва ўзбек тилидан инглиз тилларига кичик асарлар ва шеърлар таржималар қилиниб келинган эди. Аммо, бугунча келиб, Ўзбек адабиётининг машҳур ёзувчилари асарларини энди инглиз китобхонлари ҳам ўқиш имкониятига эга бўлди. Ана шундай моҳир ёш таржимонлардан бири, Самарқанд давлат чет тиллар институтининг ректори, филология фанлари номзоди, доцент И.Тўхтасинов етакчилигида О.Мўминов, А.Ҳамидов, Э.Муротова, Н.Қамбаров, Ш.Сирожиқдинов, У.Йўлдошевлар ҳаммуаллифлигида Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар" ("The Days Gone By"), "Меҳробдан чаён" ("The Scorpion from Altar"), Чўлпоннинг "Кеча ва кундуз" ("Night and Day"), Ойбекнинг "Навой" ("Navoiy"), Фафур Фуломнинг "Шум бола" ("A Naughty Boy"), Одил Ёқубовнинг "Улуғбек хазинаси" ("The Treasure of Ulughbek"), Примкул Қодировнинг "Юлдузли тунлар" ("Starry Nights"), "Хумоюн ва Акбар" ("Humoyun and Akbar"), Муҳаммад Алининг "Сарбадорлар" ("The Devotees"), "Улуғ Салтанат" ("The Great Empire"), Тохир Маликнинг "Шайтанат" ("Devildom Book"), Уткир Хошимовнинг "Дунёнинг ишлари" ("Affairs of Life"), Тўлқин Ҳайитнинг "Вафо маликаси" ("The Faithful Queen"), Тилаб Маҳмуднинг "Омонат дунё" ("The Transitory World") каби ўн саккизта асар таржима қилинди.

И.Тўхтасиновнинг айтишича, асар таржимасида эквивалентлик сақлиниб қолган. Бу аснода ўзбек миллий урф-одатларини китобхонга тўғри етказишга ҳаракат қилинган. Асарлар таржимасини яратишда сўз ва атамалар сақлаб қолинган. Таржима жараёнида учрайдиган эскирган ва архаик сўзларни таржима қилишда бир қанча қийинчиликлар ҳам дуч келинган. Масалан, "шайхулислом" Урта Осиё халқларида қўлланилади, аммо инглиз тилида бундай сўзни учратмаймиз. Китобхонга тушунарли бўлиши учун инглиз ҳарфлари билан ёзилиб, матн остига иқтибос сифатида изоҳ келтириб ўтилган. Айрим тарихий сўзларни инглиз тилида ҳам қўришимиз мумкин. Масалан, жангчи — warrior сўзи ҳозирги инглиз тилида soldier дейилади. Таржимонлар таржима жараёнида ўзбек тилининг изоҳи лугати ва замонавий инглиз лугатларига таянган. Маълумки, таржимонлар таржима жараёнида китоб оламига кирди ва асар қаҳрамонларидан бирига айланади. Асар дунёсидаги воқеа ва ҳолисаларни енгиб ўтиши, асар билан бирга яшаш лозим бўлади. Моҳир таржимон ана шундай сифатларга эга бўлиб, янги сўз ва ибораларни ўрганиб боради.

Англиянинг машҳур ёзувчиси, драматург ва шоири Вильям Шекспир билан Алишер Навоийни замонавий ва қисий томонлама қараш қилсак, тил соҳасида Шекспир қадимий инглиз тилида асарлар ёзган. Алишер Навоий эса фақатгина ўзбек ва форс тилларида ижод қилган буюк сиймо ҳисобланади. Бугунги кунга келиб таржимон И.Тўхтасинов Ўзбек мумтоз адабиётининг улуғ вакили А.Навой асарларини ўзбек тилидан инглиз тилига тўғридан-тўғри таржима қилишга эришди. Мақсад ўзбек миллиятининг тарих, маданияти, санъат ва дурдона асарларини инглиз тилига таржима қилиш орқали дунё аҳлига етказишга қаратилган. Чоп этилган китоблар ҳатто хоржилик мутахассислар Кристин Смарт ва Элиз Бриттин томонидан таҳрир қилинган. Асарлар "Янги аср авлоди" нашриётида нашр қилинди.

Қувонарлиси шундаки, айни пайтда таржимонлар Алишер Навоий "Хамса"сини инглиз тилига таржима қилишга киришилган. Уйлаймизки, мутаржимларимиз ушбу асарларни ҳам замонавий фикрловчи ёш авлод оғига етказишига муносиб ҳисса қўшадилар.

Мафтуна РҮЗИЕВА

САҲНАДАН САҲИФАГА

Одам зотида мулкка, ерга бўлган нафс шакланганидан бери урушгани урушган. Баъзан урушда мутлақо қирилиб, ном-нишонсиз кетган эллар, кули кўкка соврилиб бирор тирик жон қолмаган, бутунлай хонавайрон бўлган шаҳарлар ҳам йўқ эмас. Чексизлик билан қиёслганда йўқлик, йўқлик билан қиёслганда борлиқ бўлмиш "коинот гултожи" Одами зот баъзан ўзининг нафси исканжасида урушни ўйлаб топиб "оламнинг меҳвари"ни ўз ўқидан чиқариб юборишга ҳам сабаб бўлиб қолмаётганимиз... Фитратан оҳиз ва заиф бўлган инсон, шоир айтганидек, "дунё ичидаги чала иморат"дир.

Ўзбек Миллий академик драма театрида ёш, умидли режиссёр Фафур Мардоновнинг кўргиз адаби, буюк ёзувчи Чингиз Айтматовнинг Асил Рашидов ўзбек тилимидаги ўйриган "Сомон йўли" қиссаси асосида саҳналаштирган "Момо Ер" спектакли инсониятни ўйлантирган мана шу каби саволларга жавоб топишга интилган томошабинларга мўлжалланган камер спектакл-дир. Актерлар ижросига кўра моноспектакль бўлган ушбу саҳна асари бир неча йиллар аввал "Шамс-Қамар" театр-студиясида қўйилган ҳамда ўз вақтида томошабинлар эътиборини қозонган эди. Фафур Мардонов ўз "Момо Ер"ини саҳналаштиришда содда, янги-ча ечим топишга интилган.

"Момо Ер" тушунчаси "Она Ватан" тушунчасига маънодош. Ундаги ижро икки актёр — Ўзбекистон халқ артисти Малика Иброҳимова ҳамда Ихтиёр Отажоновларга юклатилган. Актриса Малика Иброҳимова ижро этган Тўлғоний образи спектакль жараёнида Мустақиллик майдонида қал ростлаган, жанг майдонидан қайтмаган, фарзандининг андуҳида унинг йўлларига нигорон бўлиб термулиб кутаётган қадди буюк-у, бироқ руҳини тақдирнинг шафқатсиз зарбалари синдира олган мотамсаро она ҳайкали тимсолони эслатди. Саҳнада худди Ер шаклидагидек қилиб сомон парчалари қалингина тўшалган. Улар саҳна кўриниши мобайнида турли вазифаларни бажарди. Биринчи кўринишда Иккинчи жаҳон урушига кетиб қайтиб келмаган инсонларнинг сонсаноксизлиги, унинг заҳарли изгирини йигитларни жанг майдонларининг турли бурчакларида изгитиб юборганлигини, жангчилар орқали йиғлаб қолган яқинларининг чексизлигини аңлатса. Баъзи ўринларда бугудой даласини рамзий ифодалаган.

"Момо Ер" спектакли ҳам "Сомон йўли" қиссаси каби инсоннинг уруш билан тўғридан-тўғри тўқнашиш жараёнида эмас, балки воситали жараёнда кўрсатилган. Уруш қаер-даир узоқ-узоқларда бошланган, лекин Тўлғонийнинг қисматига у ғалла даласида кечалди. Биринчи кўринишда Тўлғоний (Малика Иброҳимова) ҳамда Ер роли ижросида актёр Ихтиёр Отажонов сомонга аралашиб ётибди. Тўлғоний саҳна асарининг илк кўринишида гўёки ўз ўтмиши ва лардларига ўралашиб қолгандек, бироқ асло ундай эмас. Саҳна асарининг бош қаҳрамони ушбу жараёнда "Момо Ер" билан ўзи ҳақида эмас, балки замон, тарих, жамият, одамлар ва уруш ҳақида сўзлайди. Ўн бир кўринишдан иборат спектаклда Малика Иброҳимова турли кўринишда — навнихол, қувнок қизалоқ Тўлғоний, Сулоя ва уч ўғлининг ҳалок меҳнати бахтдан масрур ҳамда мағрур Тўлғоний, ғам қалдини букиб қўйса-да, ироласи букилган Тўлғоний сийморалини актёрлик ижросидаги пластика ва нутқи орқали ифода этиб бера олган. Гўёки Сомон йўли юлдузлари туркумида янги чўққан Ҳилол тўлиб-тўлиб, "тўлган" ой — 15 кунлик ой балқиб чиққандек, инсон қийинчиликларини енгиб ўтиб ко-

«МОМО ЕР»



дир узоқ-узоқларда бошланган, лекин Тўлғонийнинг қисматига у ғалла даласида кечалди. Биринчи кўринишда Тўлғоний (Малика Иброҳимова) ҳамда Ер роли ижросида актёр Ихтиёр Отажонов сомонга аралашиб ётибди. Тўлғоний саҳна асарининг илк кўринишида гўёки ўз ўтмиши ва лардларига ўралашиб қолгандек, бироқ асло ундай эмас. Саҳна асарининг бош қаҳрамони ушбу жараёнда "Момо Ер" билан ўзи ҳақида эмас, балки замон, тарих, жамият, одамлар ва уруш ҳақида сўзлайди. Ўн бир кўринишдан иборат спектаклда Малика Иброҳимова турли кўринишда — навнихол, қувнок қизалоқ Тўлғоний, Сулоя ва уч ўғлининг ҳалок меҳнати бахтдан масрур ҳамда мағрур Тўлғоний, ғам қалдини букиб қўйса-да, ироласи букилган Тўлғоний сийморалини актёрлик ижросидаги пластика ва нутқи орқали ифода этиб бера олган. Гўёки Сомон йўли юлдузлари туркумида янги чўққан Ҳилол тўлиб-тўлиб, "тўлган" ой — 15 кунлик ой балқиб чиққандек, инсон қийинчиликларини енгиб ўтиб ко-

миллик даражасига эришиш йўли намоён бўлганидек. "Момо Ер" спектаклида саҳна ва деталлар яхши топилган. "Қоп", дастлаб овулдошларини бошқариш каби масъулиятли юкни ўз зиммасига олган аёлининг қоп орқалида намоён бўлса, кейинги ўринда эса Тўлғоний эл-юртнинг сўнги бугудойини уруғлик учун деб йиғиб олганида ўғилларини жараёнида халқнинг ризқига кўз олайтирувчилар ва уни ҳимоя қилувчилар доимо бўлганини кўрсатиш вазифасини бажарган. Спектакль жараёнида Ер, Сувокул, Қосим, Жайноқ, Майсалбек, Алиман, сўзларидан биламиз. Майсалбекнинг жанггоҳдаги ҳолати ҳамда ҳалок бўлиши айнан кўрсатилмайди, аммо Ихтиёр Отажоновнинг "Майсалбек монологи"дан унинг шахсиятини аңлаймиз.

Малика Иброҳимова нутқи орқали ифода этилган Алиман образи хусусида ҳам тўхталсак. Алиман Қосим билан севишиб турмуш қурган, ўзини узи та-саввур эта олмайди. Бироқ Алиман ҳаётида биринчи ва охириги қалтис қадамни ташлайди, ихтиёрини бошқа инсон-чўпон қўлига топширади. Бу қалтис қадам оқибати ўлароқ виждон азобида ҳалок бўлади. Ёш жу-

шуби, бир қучоқ сомон кўтариб, ризқ-рўз улашиш мақсадида олам-олам орзуларга кўмилиш жараёнида; машум Иккинчи жаҳон уруши бошланиши ҳақидаги энг осоийишта "сўнги" тунда; учинчи ўринда Тўлғонийнинг турмуш ўртоғи Сувокул ва бош ўғли Қосимдан "қора хат" келиб, онанинг "шилқ этиб" тушишидан аввал; охириги ўринда эса аёлининг умр сафари қаригида сўнги манзилга етиш олдидан ҳаётидан мамнун ҳолида кетиши ифода этилган.

Берган барча неъмат — ташвишга ҳам, қувончга ҳам шукроналик келтира билиш — инсонлигини аңлаган кучли бандасига хос. Дастлаб ўғли Қосим, уни уруш тугайли йўқотган эса, орадан анча йиллар ўтиб набираси, "Энажон, энг, — дея бугудой нони тугангадиги, "Нон ўлмас экан, меҳнат ўлмас экан — ҳаёт ўлмас экан, деб осмонга қарасам, сомон йўли худди ёшлик пайтимдагидек, оламнинг у бетидан, бу бетигача тўшалиб ўтибди. Бутун дунёда ана бир леҳдон тугилди-ку, дея қўзим уйғута кетди..." — деб спектакль сўнгида сўзлагани ер юзига тинчлик уруғини экувчи, бурда нонга қаноат қилувчи бунёдкор шахс юзата келганлигини билдиради.

Муқаддима ва хотиманинг узийлигидаги Ер билан Тўлғонийнинг учрашуви ва хайрлашувидаги Осмондаги ва Ердаги сомон парчалари бир-бири билан боғлиқлигини; инсоннинг боши кўкда бўлса-да, оёғи ердан узилмаслиги, инсонийлик бурчини бажаргани ҳолда ўз манзилга юлдуздак қақна-нонда ҳаётдан бешиш, унга нисбатан аламзадалик, нафрат, умидсизлик ўрнига "ҳаёт учун курашиб яшаш" некинлик ҳолатини Малика Иброҳимова ёрдамчи актёр томонидан кўридан қўлига тутқанидан йўракланган гўдак мисолида кўрсатилган бўлса, Алиман — ироласиз, Тўлғоний — қатъий соҳибаси. У инсонийлик бурчини унутмайди.

Спектаклнинг тўрт ўрнида "Осмонга қарасам, Сомон йўли худди ёшлик пайтимдагидек..." — деган Тўлғонийнинг нутқи бор. Ушбу нутқ бош қаҳрамон турли хил вазиятга тушганда яққол намоён бўлиб алоҳида аҳамият касб этади. Дастлаб икки севишган қалб — Тўлғоний ва Сувокул учра-

Нигора УМАРОВА

СОҒИЧ...

кириб келди, улар бефойда эканлигини билсалар-да, онам билан бизга таскин беришга ҳаракат қилишарди. Кўз ёш билан хайр-ўшлалашди. Акаларим онамни ўзлари билан қолишларини ёлвориб сўрашди, лекин онам Бойқаро қаерда бўлса, мен ҳам ўша ерда бўлай, шунда хотир-жам бўламан, деб йиғлади.

— Бойқарони ўзга юртда қандай кунлар кутяпти, тақдирини нима бўлади, сиз биз билан қолганингиз маъқул, укам, албатта, қайтади, — деди Ҳасан акам. У кишининг гапини қариндош-уруғлар маъқуллади, онамни қишлоқда қолишга қўндиришди. Шу пайт колхоз фаоллари яна келиб қолди. Улар аравадаги иккинчи отни ҳам, ўзимнинг доимий йўлдошим — қорабайиримни ҳам, болали сигирини ҳам тортиб олди, арава билан от ҳам темир йўл вокзалига олиб қолганини дўб билан таъкидлашди. Арава йўлга чиқди. Орқамиздан зор-зор йиғлаб онамнинг, ака-укаларим, ҳамқишлоқларим ва бола-лигим, энг бахтли кунларим ўтган қадрдон отамаконим Ҳожинтоли қишлоғим қолди.

Аравага қўшилган от устида кетар эканман, онамнинг зор қақшаб йиғлагани, дод-фарёди кўз ўнгимдан нари кетмас эди. Хўрлигим келиб, томоғимга нимадир тикилиб қолган, ночор ва бахтсизлигимдан дод солгим келар эди. Шундай қилдим ҳам, сузма халтадаги ҳовлимизнинг бир сиким тупроғини кўзимга суртиб, ҳаётимда бир марта ўқиб-ўқиб, унсиз ва аламли кўз ёши тўқдим... Аччиқ, аламли кўз ёшлар-

римни тийиб, ўпкамни тўлдириб қучур нафас олдим ва изтироб билан орқамга, аравада сукут сақлаб келаятган бунинг бечора қарадим, у юзидога чачнов(паранжи юзига ёпиладиган тўр)ни очиб олган, ёшдан қизариб, шишиб кетган кўзлари анча жиддий тус олган эди. У дунё ташвишларидан беҳабар ширингина қизчамиз, онамни бағрига босиб жимгина ўйга толганди. Шунда, оч қолсам-да, зулм ва зўра-воликлар, талон-тороқчиликлар, кўз ёши ва мусибатлар эвазига қурилган бу ҳукуматдан биттанга (совет пулига 20 тийин) олсам, Бойқаро отимни бошқа қўяман, отамнинг фарзанди эмасман, деб қасам ичдим.

"Қулоқлар" (катта ер эгалари, бойлар), синф сифатида мамлакатдан сургун қилина-диганлар оиласи билан туман марказига йиғилдик. Буларнинг ичида кўп йиллик қадрдонлар, таниш-билишлар ҳам бор эди. Бизни Андижон темир йўл вокзалига олиб келишди, у ердан барчамизни фарб томон-ларга юборишадиган бўлди. Намозшом пайти вагонларга чиқдик. Шунда норин-ликлардан бири, қадрдоним Мирсолиҳбой: "Бойқаро ака, тақдиринизга яхши кунлар битилмаган экан, олдинда бизни мусибат, аянчли ватангадолик кутяпти, худди бизди, юртга қайтиш насиб қиладими, йўқми. Шундай экан, сиз қочиб бўлса-да, юртимизда қолинг, қанча қулфат бўлса, шу ерда тортинг, чунки тилаб олган фарзандингиз қиз бола, унинг устига жуда ёш, нуридий-дангиз ўзга юртларда хору зор бўлмасин, бизниклар кўпчилик, улғайиб қолишди,

бир кунини кўришар", деди. Бу фикрни қолган биродарларимиз ҳам қўллаб-қувватладик. Имкониятлари даражасида пул, озиқ-овқат ҳада этишди. Биз Яратадан ана дийдор кўришини сўраб хайрлашдик. Кейинги станцияларнинг бирида бир иложини қилиб, бизни вагондан тушириб қолдиришди.

Қоп-қоронғи тун кўйида елкамда ва қўлларимда юк билан бунингнинг қўли-дан тутиб олганман. Бунинг бўлса онанг Тўхтақонни бағрига босиб, юзига уриладиган қамчишлардан бир қўли билан пана қилишга уринарди. Шундай қилиб, биз сургундан қочиб қолдик. Бу сирдан нафақа қийинчилигимиз, балки беғоналар ҳам воқиф бўлиши мумкин эмас эди. Шу тугайли одамлардан оиледа, қамчишзорлар ичи-да қапа тикиб яшашга мажбур эдик. Қўлимиздаги озиқ-овқатимизни еб бўлган, мен кечқурунлари вокзалга чиқиб, вагондан юк тушириб, топган пулимга егуликлар олиб кела бошладим. Иложи борича одамларга қамроқ кўринишга, улар билан қамроқ мулоқотда бўлишга ҳаракат қилдим. Бунинг эса бор қуч-ғайратини яққола яғона-миз, онамнинг соғлигини асрашга сарф-лади, чунки қамчишзорда кун кўришининг ўзи бўлмайди, кундузлари дим бўлса, кеч-қурунлари чивин чақишга тоқат қилиб бўлмасди. Шундай бўлса-да, бунинг қайси пайтда, қандай қилиб улғурди, билмайман, қамчишзордаги ўт-ўланлардан йиғиб, биздан бирмунча оиледа бўлган қишлоққа бориб, уларни сут, қаттиққа алмаштириб қайтди. У кунларни душманнинг ҳам раво кўрмайман. Ўз юртингда айбисиз айбдор бўлиб, элу юртдан қочиб юришдан ҳам оғирроқ қулфат йўқ экан. Қандай оғир кунларни кўрсам ҳам, қамчишзорда яшасам ҳам. Ватанимда қолдим-ку, унинг ҳавосидан тўйиб нафас оляман-ку, фарзандим ёнимда, ўлсам қабрим шу ерда қолади-ку, олис юртларга кетган биродарларим сингари ватангадо эмасман-ку, деб ўзимни-ўзим юпатар эдим. Кунлар кети-

дан кунлар, ойлар кетидан ойлар ўтди, кеч қулагача қамчишзорда ит кунини кўрдик...

Вақт ҳамма нарсага даво, секин-аста бу ҳаётга ҳам қўниқдик. Вокзалда юк тушириб юрган кунларимнинг бирида яхши бир инсон билан танишиб қолдим. У киши менга жуда илиқ муомалада бўлди. Бойқаро ака, кечқурун доимий вокзалдасиз, нима иш қиласиз, онлангиз борми, деб сўради. Мен кечқурунлари вагондан юк тушираман, оилам бор, деб жавоб бердим. Шундан кейин биз тез-тез кўришиб турадиган бўлдик, кейин билсам, у киши машҳур бастакор Тўхтасин Жалилов экан, шуниг учун Тошкентга тез-тез бориб турар экан. Вақт ўтиб, у киши баъзи юмушларни қилиб беришимни айтиб, мени уйларига ҳам таклиф қилди. Шундай қилиб, биз дўстлашиб қолдик, бошимдан ўтганларини унга гапириб бердим, жимгина тинглади, сўнгра, бу гапни менга айтдики, бошқа ҳеч кимга оғиз очман, шунда ўзингизга ҳам, бола-чақангизга ҳам яхши бўлади, деди. Бир кун вагондан кўмир тушираётсам, бастакор дўстим йўқлаб келиб қолди. Маҳалласидан биз учун ижарага уй топганини, эртага эрталаб кўч-кўроним билан маҳаллага боришимни, уй эгаси билан таништириб қўйишини, маҳаллада сўраганларга у кишининг қариндоши эканлигини айтишни тайинлаб, хайрлашди. Бу меҳрибончиликдан бошим осмонга етди, қандай қилиб ишни тугатганимни билмадим, қўлбола қилиб қуриб олган қапачиққа қанот чиқазди, уй бордим, чунки бу хабарни бунингга тезроқ етказишга, уни хурсанд қилишга шошилдим. Етти-саккиз ой сарсон, уй-жойсиз, қувинда яшаган одамлар учун бу қутилмаган бахт эди. Шу тариқа биз Андижоннинг эски шаҳаридоғи Чоргузар маҳалласига кўчиб ўтдик.

Орадан бир-икки йил ўтгач, алдамсам, 1936 йил эди, бастакор дўстим Тошкентга кўчиб кетаятганини, у ерда Фи-


лармония ташкил этилиб, уни ишга чақирганини айтиб қолди. Шунинг учун уйимни сиз олиб қолсангиз, сиз ватанли бўлардингиз, мен эса бемалол келиб-кейти турардим, деди. Мен бироз хижолат чекиб, хурсандлигимни, бизга қўрсатган қамқўрликларини учун бир умр қарздор эканлигим, жамғарган маблағим эса уй сотиб олишга етмаслигини айтдим. Дўстим қулиб, бош чайқабди, Бойқаро ака, сизнинг пулнингиз етмаслигини жуда яхши билман, лекин сизда пулга топилмайдиган софдиллик, тўғрилик, одамгарчилик бор. Мен ҳам қадрдон гўшамни сиздек инсон оиласига қолдиришни хоҳладим, ҳар замонда келсам, уйга киритсангиз бўлгани, деди ҳазил аралаш. Қарабсанки, биз уйли бўлдик. Ҳозирги яшаётган мана шу ҳовлимиз дўстимнинг бизга қолдирган туҳфаси бўлади.

Бобом бироз тин олди-да, "Қанча инсонларни юртидан мосуво қилиб ватангадо қилган, қанча мусибат ва қулфатларни бошига солган, ширин ҳаётимизни захар-қуққамга айлантирган, эл орасида ёмонот-қилда чиқарган ҳукуматдан нафақа тугул, биттанга ҳам олмаслигимнинг асл сабаби мана шу", деди.

У киши 1981 йилнинг 7 феврал тонгида 97 ёшида вафот этди.

Орадан ўн йил ўтиб, юртимиз мустақилликка эришди. Озодлик эълон қилинган кунни бобомни эслаб юм-юм йиғладим, фарзандларим билан уларнинг қабрини зиёрат қилдим, сиз кўрматган озо-дликни мен кўрдим, армонларингиз бу кун ушладди, бобожон, сиз орау қилган озо-д ва эркин Ватанда энди биз, сизнинг не-вара ва чевараларингиз, ҳаётингиз давом-чилари, сиз каби юрт мустақиллигини кўришга интизор ўтган инсонларнинг фарзандлари яшаймиз. Энди руҳингиз шуб, тинч ва осоийишта бўлсин, бобожон, дейман...

Комила РАҲМОН



Тўртинчи мақола

ОНА ЮРТ БЎЙЛАБ

Ёзининг қоқ чилласида Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманига яна сафар уюштирдик.

Мажлисий гуруҳ дастлабки кунини Санжаротнинг ёнбағрида жойлашган магнит майдонини тасвирга олишга отланди. Туман марказидан чиқиб, Бойсун туманига келишимиз билан олинган баланд тоғ кўриди. Ҳамроҳларимиз ана шу кўрак кериб турган тоққа боришимизни айтди. Шу тарихда денгиз сатҳидан чамаси 2,5 минг метр баландликка кўтарилди, тўрт йўлдан Қайроқ қишлоғи сари бурилдик. Хайдовчи "Нива" машинасини қия йўлда тўхтади, моторини ўчирди. Шунда мўъжиза юз берди. Мотори ўчган машина паста эмас, юқорида қараб ҳаракатлана бошлади!

Тепага қараб "Нексия"нинг ҳам моторини ўчириб, эркин ҳолатда қўйдик. У ҳам 75-80 метр баландликка ўзи юриб чиқди. Тўхтаган, машина энди ортага, яъни пастга қараб юрса керак, деб ўйладик. Йўқ, унинг тўхтаган жойидан бир қадам ҳам улам йилдикки, биз магнит майдонининг устидамиз.

Ҳамроҳларимиздан бири: "Бу ерда чармдан тикланган футбол тўпи ҳам пастликка эмас, аксинча, тепаликка қараб секин думалайди" деб қолди. Бу гап бизни ўйлантириб қўйди. Агар ушбу нуқта магнит майдонини бўлса, фақат металл жисмларининггина тортгани керак. Чарм буюмга тасир этгани мумкинми? Ўйлаб-ўйлаб шу ерда сувдан ҳам фойдаланиб кўрмоқчи бўлдик. Хуллас, ичми учун олган оби ҳаётимизни йўлга тўқди. Ариқчада сув юқорида қараб оқиб, сўнгга ёйилиб кетди.



Бойсун туманидаги Чорчинорнинг ёши 8-9 асрга тенг деб баҳоланмоқда. Бу ҳақиқатга яқин. Негаки, чинорлар танасига 6-7 кишининг кучоғи аранг етди. Баландлиги 30 метрдан ошади. Авваллари чорчинорнинг бўйи қарийб 60 метрга етган. Айрим йилларда кузатиладиган гуруҳчиликлар сабаб баланд шохлари қуриб қолган. Шундай бўлса-да, барқ уриб ўсмоқда.

Бойсун туманининг Сайроқ қишлоғида ҳам бир жуфт чинор бор. Уларнинг ёши қарийб минг йилга тенг. Шундай бўлса-да, бу кесил давраҳлар ҳали ҳам яшнаб турибди. Уларнинг довуғи олисларга кетган. Тана айланаси ҳам, даракнинг бўй-басти ҳам жуда маҳобатли. Қишлоққа борган одам, албатта, ушбу улкан даракларни кўрмайдан, ундан заҳ олмасдан қайтмайди.

Сайроқдаги қўшчинорнинг бири "Алпомиш уйи", иккинчиси "Барчинор уйи" деб аталади. Чунки уларнинг гаройиб улкан ковағи бор. Утган аср бошларида бу ковағиларда эски мактаб жойлаштирилган, кейинроқ қишлоқ кенгашига бошлана бўлган. Оқлик аскарлар полкининг қароргоҳига айланган. Ундан кутубхона, савдо дўкони сифатида ҳам фойдаланилган. Бутун бобочинорлар ковағи музейга айлантирилиб, зардулик маҳсулотлари, темирчилик ҳамда ҳунармандчилик жиҳозлари билан безатилган.

Сайроқ чинорларининг тағи дам олиш масканига айланган. Бу ердаги суриларда қишлоқ отахонлари дам олади. Йўловчилар чой ичиб ҳордиқ чиқаради.

Мозийдан мерос бу табиат мўъжизаларига мустақиллик йилларида "Табиат ёдгорлиги" мақоми берилиб, давлат муҳофазасига олинган. Бой-

сун чинорлари тарихнинг шоҳиди, юрт кўрки, табиатнинг қадим ёдгорлиги бўлгани учун ҳам қимматли. Иккинчи кунини "Бойсун" ўрмон ҳўжалигининг "Хомкон" ўрмончилик бўлимидаги Хомкон кўлига йўл олдик. Мазкур ҳудуд туман марказидан чамаси 100 километр масофада жойлашган. Унга бориш учун уч соат кетди. Асфальт йўл билан Деҳқонобод туманининг Оқработ қишлоғига етганимизда ҳайдовчи "УАЗ" машинасини баланд тепаликка бурди. Уйдим-чүкүр йўлдан юқорига кўтарилди бордик. Чамаси ярим соат вақт ўтгач, қир-адирларга бир-иккита паст бўйли арчалар қўрина бошлади. Гоҳида тошшағалли, гоҳида тупроқли йўлдан юриб Хомкон тоғи томон борар эканмиз, арчалар сонининг кўпайиб бораётганига кўзимиз тушди. Охири шунчалик қалин арчалар орасига кириб қолдикки, ўзимизни ҳақиқий ўрмонда юргандек ҳис қилдик. Очиғи, бу ердаги бобочинорларни кўриб, ҳайратландик. Кўплаб арчалар шунчалик катта бўлиб кетганки, уларнинг танасига 2-3 кишининг кучоғи аранг етди. Айрим арчалар анча баланд ўсган. Яна баъзилари эса ён томонга шох қўйиб, конуссимон айлана ҳосил қилган. Учинчи тур арчалар паст бўйли. Лекин уларнинг ҳаммаси ям-яшил. Қир-адирларга, тоғларга ажиб бир кўрк бағишлаб турибди.

"Хомкон" ўрмончилик бўлимида минглаб гектар ер қалин арчалар билан қопланган. Бу арчаларлар ўсимлик дунёси ва ҳайвонот оламининг ривожланишига, булоқ ва сой сувларининг кўпайишига, кўчки ва тупроқ эмириллигининг олдиги олишга, ҳавони мўътадиллаштиришга хизмат қилади. Қолаверса, тириклик олами учун жуда зарур бўлган кислород ишлаб чиқаради. Ундан доимий равишда фитонцид моддасини ажратди. Олимларнинг эътирофи эътишча, фитонцид инсонлар соғлиғига зарар етказувчи турли микроб ва бактерияларни ўлдирди. Бир гектар тигиз арчалар катта шаҳар устида тўпланган зарари микробларни қуриб юборишга етганган ўта фойдали фитонцид моддасини чиқарар экан. Арчаларнинг бундай ажойиб хусусиятларини билган одам борки, бу турдаги даракларни умуман кесмайди. Хароб қилмайди. Аксинча, уларни муҳофаза қилиб, бошқаларни ҳам шу хайрли ишга жалб қилади.

Саратон иссиғида Хомкон арчаларларини тасвирга олиш жараёнида тоннинг устида кичикроқ булоққа дуч келдик. Чанқаб турганимиз боис муздай сувдан тўйиб-тўйиб ичдик. Очиғи, кўплаб чашмалардан чанқогимизни қондирганимиз. Лекин бундай табиий ширин сувни ичмагандик. Ижодий гуруҳимиз ушбу булоқнинг номи йўқлиги учун уни "Ширин булоқ" деб атади. Бундан ўрмончилар ҳам хурсанд бўлди. Энди биз ҳам ушбу булоқни шундай атаймиз дейишди.

Баланд-паст тепаликлардан ошиб, яна 7-8 километр масофани босиб ўтдик. Олинган кўш нурида яттираб турган қўл кўринди. Қўм-қўқ бўлиб, мавжланиб турибди. Чиройли манзара. Қуриб баҳри дилимиз очилди.

Хомконни тоғлар орасидаги кичикроқ сув ҳавзаси бўлса керак, деб ўйлаган эдик. Тасаввур қилганимиздан ҳам бир неча баробар катта экан. Унинг майдони 53 гектар. Тоғлар ўртасидаги эгарсимон ботиқда ҳосил бўлган. Чуқурлиги 80 метр атрофида. Шақли чўзинчоқ. Узунлиги минг метрдан ошади.

Хомконга теварак-атрофидан 3-4 та катта-кичик булоқ суви келиб қўйлади. Лекин қўлдан сув тошиб чиқмайди. Камайиб ҳам кетмайди. Йилнинг 9 ойи мобайнида бир мезгилда туради. Фақат баҳорда қор ва ёғир сувлари ҳисобига қўл тошиб, бир тегирмон сув жануб томонга оқиб чиқди.

Хомконнинг бошқа қўллардан фарқли жиҳати — чуқурлиги. Қирқоқдан 3-4 метр сувга киришиниз билан 10-15 метр чуқурликка тушиб кетасиз. Қўл туз қатламнинг устида жойлашгани учун сувнинг пастки қисми шўр, усти эса булоқлар ҳисобига чўчүк.

Бойсунлик ўрмончиларнинг айтишича, илгари бу ерда туз қони бўлган экан. 1952 йилда вулдон отилиши натижасида тузлар қатлами чўкиб, катта қўл вужудга келган. Ер ости тузларининг эриши натижасида қирқоқлар чўкиб, катта-катта ёриқлар пайдо бўлган. Бу қўлнинг яна кенгайишидан далолат бериб турибди.

Абдулла МАМАСОДИКОВ, "Dunya bo'yab" телеканали масъул котиби

СУРУРБАХШ САФАР

"Тошкент — Бухоро" тезювар "Афросиёб" поездининг шинам, замонавий жиҳозланган купесиди шериклар билан чақчақлашиб кетдик. Қадим Бухоро шаҳрига тушиб, у ердан Пешкў туманига йўл олдик. Мақсадимиз улуг аллома Абу Али ибн Сино тугилиб ўсган Афшона қишлоғини зиёрат этиш, шу баҳона жойларда олиб борилаётган туб ислохотлар, улкан бунёдкорлик ишлари билан танишиш эди.

Биз ўтирган машина тонг қўеши Бухоро заминига заррин нурларини ёя бошлаганда Пешкў туманига кириб келди. "Нексия" ҳайдовчисини очиқ-қина йилит экан, Ибн Сино ҳаёти билан қизиқибтанишимизни билиб, дарҳол Афшона мавзусига ўтиб олди.

Афшонага кўп қатнайман, — деди у завқланиб. — Ибн Сино музейдан зиёратчиларнинг қадами узилмайди. Шифокорлар ҳам шу ерда қасамбд қабул қилади. Ниҳоқдан ўтаётган келин-куёвлар, аввало, музей олдидати Ибн Сино ҳайкали пойига гул қўйишади. Шундай. Афшоналикларни-ку, асти қўяверасиз, улар оламга машхўр табиини ўзларининг бобоқолларига деб билишади. Маҳалларига ҳам Ибн Сино номи-ни қўйишади...

Беруний, Хоразмий, ибн Сино, Имом Бухорий, Имом Термизий, Навоий каби буюк аждоғларимиз ҳақида ким ҳам билмайди дейсиз? Собиқ Шўро тузуми даврида аксариятнинг шаъни, қадр-қиммати ерга урилди, муқаддас қадамжолари оёқости қилинган. Бугун буткул бошқача манзараларнинг гувоҳи бўлиб турибмиз. Зеро, истиқлол тўфайли, бу мўътабар зотларнинг номлари тикланди.

Ҳамма қишлоқлар сингари икки тарафи қуюқ даракхор йўлдан кириб борилади. Бироқ қишлоқнинг қоқ марказида қадимги шаҳристонлардаги сингари маҳобатли ва сўлим мажмауа дуч келасиз. Бу — яшил хиёбон ўртасидаги аллома ҳайкали, тўғридаги тиббиёт коллежининг улкан биноси ва ўнг томондаги қиримизи ранг мрамар зиналардан чиқиб бориладиган сарой —

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат-ношароат таъшилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди томонидан давлат гранти ажратилган "Улғини улуг халқнинг келажоғи ҳам буюк бўлади" номи лойиҳаси асосида chop этилмоқда.

олами жаҳон фани ва цивилизациясига қўшган беқиёс ҳиссаси билан фахрланишга тўла ҳақлидир. Хусусан, Марказий Осиё ҳудуди Шарқ Ренессансининг йўриқ марказларидан бири сифатида бутун дунёда маълум ва машхўр бўлган. Бу ҳақда гапирганда, аввало, улуг ватандошларимиз — алгоритм асосчиси ал-Хоразмий, қомусий олим ал-Фарғоний, геодезия ва минералогия фанлари ривожига улкан ҳисса қўшган Абу Райҳон Беруний, Фарбда Авиценна номи билан танилган Ибн Сино, давлат арбоби ва буюк астроном Мирзо Улуғбек сингари мутасил хурмат билан тилга оламиз.

Назаримда, мазкур нуфузли анжуман тағин бир ёркин, фараҳбахш ҳақиқатни дунё ҳамжамиятига яна бир қарра эслатгандай бўлди. Жаҳонда узоқ ўтмиши, унда яшаб ўтган аждоғлари ва улар қолдирган илмий, маданий мерос билан гурурлана оладиган халқлар камдан-кам топилди. Ўзбек халқи ана шундай бахтиёр халқлардан биридир. Ибн Сино эса халқимизнинг энг азиз фарзандларидан бири.

Афшона — туман маркази бўлган Янгйўзбор шаҳарчаси яқинидаги катта қишлоқ. Ҳамма қишлоқлар сингари икки тарафи қуюқ даракхор йўлдан кириб борилади. Бироқ қишлоқнинг қоқ марказида қадимги шаҳристонлардаги сингари маҳобатли ва сўлим мажмауа дуч келасиз. Бу — яшил хиёбон ўртасидаги аллома ҳайкали, тўғридаги тиббиёт коллежининг улкан биноси ва ўнг томондаги қиримизи ранг мрамар зиналардан чиқиб бориладиган сарой —



АФШОНАГА САФАР

Ибн Сино музейи. Хиёбонда, дастлаб, озодалик ва чаман бўлиб очилган турфа гуллар эътиборингизни тортлади. Йўлак, биноларнинг зиналарида ҳам гард, чанг йўқ.

Ибн Сино музейида бизни бўлим мудир Мансур Нуруллаев, катта илмий ходим Мустақим Бобоевлар қарши олишди. Уларнинг музей тарихи ҳақидаги ҳикоялари ниҳоятда қизиқарли эди.

1973 йилда афсоналик Сафо ота Йўлдошев ўзининг авлодлари томонидан асраб-авайлаб келинаётган ноёб бир қўлёзмами Ўзбекистон Фанлар академиясига тақдим қилади. Бу Ибн Синонинг Гургон амирлигида танишган содиқ шогирди Абу Убайд Жузжоний ёзган китоб эди. Бу қўлёзма улуг алломанинг ҳаёти ва фаолиятига муҳим аниқликлар киритди. 1980 йилда — Ибн Сино таваллудининг 1000 йиллигини нишонлаш арафасида музей биноси тикланган. 2006 йилда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов ташаббуси билан музейнинг бугунги биноси қайта қурилиш ҳамда бебаҳо экспонатлар билан боийтидди.

Музейда биз милодий 980 — 1037 йилларда яшаб ўтган тиб илмининг мумтоз билимдони, қомусий олим Абу Али ибн Синонинг ҳаёти ва ижоди билан танишдик. Бу ердаги улуг табиб томонидан ўрта асрларда фойдаланилган тиббий асбоблар нусхалари (Францияда қўйилган, таниқли мусаввир Чингиз Аҳмаров яратган саккизта картинада Ибн Синонинг табиблик ва

жарроҳлик (ташриҳ) фаолияти юксак маҳорат ҳамда чуқур тарихий билимдонлик билан тасвирланган. "Авиценна-Франция" ассоциацияси совға қилган "Тиб қонунлари" китобининг лотин тилидаги қадимий нусхаси, тағиб асарларининг 1447—1448 йиллардаги қўлёзмаси музейнинг ноёб экспонатларидандир.

Афшонада бўлган пайтимида Ибн Сино музейига Италиядан меҳмонлар келиб қолди. Мансур Нуруллаев уларни музей билан таништири бошлади. Биз эса маҳобатли мрамар кошдан чиқиб, Хусайн тугилган ва беш ёшигача истиқомат қилган, кейинчалик ҳам бот-бот келиб турган она қишлоғи Афшонани айландик. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, Ибн Синонинг исми Хусайн бўлган, отасининг исми Абдуллоҳ "Абу Али" эса унинг қунасиридир.

Афшонадаги Ибн Сино маҳалла фуқаролар йиғинида оқсоқол Жамил Сафаров, масъул котиб Аҳтам Самадовларни учратдик.

Албатта, улар билан суҳбатимиз қизгин кечди. — Афшона тарихини, Ибн Сино ҳақидаги ривоятларни билмайдиган кексаларимиз кўп, — деди Аҳтам Самадов.

Биз ана шундай отахонлардан бири Муртазо Нуруллаев билан фикр алмашдик.

— Ота-боболарим шу қишлоқда яшаб ўтган, — дедилар ота мамнуният билан. — Саксон тўрт ешманман. Шу ердаги ҳўжаликда ишлаганман. Ибн Сино ҳақидаги ривоятларни менгина эмас, ҳар битта афсоналик билади. Шулардан бирини айтиб берай, эшитинг. Ибн Синонинг отаси Абдуллоҳ асли Балх шаҳридан бўлган, дейишади. Биз-

нинг Афшонага келиб, Қуқишвино ариги бўйидаги бир кишининг уйда яшаб юради. Шу пайтларда уй эгасининг Ситорабону исми қизини яхши қўриб қолади. Абдуллоҳ ўқимини, одобли йилит экан. Отаси Ситорабонуни шу йилгитта бериб, кўев қилиб олади. Орадан бир йил ўтиб, улар ўғил фарзанд қўришади. Болага Хусайн деб исм қўйдилар.

АФШОНАГА САФАР

Хусайннинг келгусида улуг аллома Абу Али ибн Сино бўлиб етишиши болагидан маълум экан. У ниҳоятда зуқко, фавқуллода зеҳли эди. Тўрт ешта тулар-тулмас отасидан араб алифбосини ўргана бошлади. Беш ёшида йилгирма саккиз харфни таниган саводли бола эди.

Муртазо ота афсоналикларнинг азиз қилиб, тилдан-тилга, дилдан-дилга етказиб қалаётган афсоналарини мароқ билан сўзлаб берадилар. Халқ ўзи севган, улуглаган фарзандлари ҳақида бу каби пурмаъно афсона ва ривоятлар тўқийди, уларни асрлар оша бошига кўтариб улуглайди. Абу Али ибн Сино халқимизнинг ана шундай улуг алломаларидандир.

Абу Али ибн Сино сермашаққат ўтган умри давомида 450 дан ортиқ бебаҳо асарлар битди. Шулардан 242 таси бизга етиб келган. Уларнинг 80 таси фалсафага, 43 таси табобатга оид. Қолганларида математика, руҳшунослик, астрономия, математика, мусиқа, кимё, ахлоқ, адабиёт ва тилшунослик масалалари ёритилган. Унинг энг йилрик ва машхўр асари "Тиб қонунлари"дир. Бу асар орадан минг йил ўтиб, бизнинг давримизда ҳам шифокорлар учун бебаҳо қўланма бўлиб хизмат қилаётир.

Биз оқшом қўна бошлаганда Афшонадан қайтидик. Сафарда ҳикмат кўп дейди халқимиз. Дарҳақиқат, шундай. Бутун сафар давомида шахру қишлоқларимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларини қўриб, қишлоқ улуг халқимизнинг келажоғи ҳам буюк эканига чин дилдан ишондик.

Абдуҷалол РАҲИМОВ, журналист

ASAKA BANK advertisement. Title: "АСАКА" БАНК. Subtitle: "Мустақиллик кунини" байрами муносабати билан қуйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини тақлиф этади: «МУСТАҚИЛЛИК — 2017». Text: Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 5 ой бўлиб, омонатга ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади. Шу билан биргаллик, "Асака" банк миллий валютада 26 ҳамда хорижий валютада 13 турдаги қулай шартларда омонат турларини тақлиф этади. Table of branches and phone numbers. Logo of Asaka Bank with a bird illustration.